



DUNYO *kitoblari*




@Dunyo_kitoblari_rasmiy

ФОТИХ ДУМАН

ДЕВОНА

Севиш кутиш демакдир...



Таржимон:
Авазхон Умар

NASIM
KUTUB



@Dunyo_kitoblari_rasmiy

7.05.2026 yil
boshlab

УЎК: 821.512.161-31
КБК: 84(5Tur)-44 F.85

Ҳикоя

Мусаҳҳиҳ
Аброр Сиддиқ

Саҳифаловчи
Иномжон Ўсаров

Чоп этиш ва муқовалаш
хизмати
Matsis Matbaa A.Ş. Босмахона
Sertifika No: 75309
Tevfik Bey, Mahallesi,
Dr. Ali Demir Cd
No: 51, 34295
Küçükçekmece/Istanbul

Дўкан: +998 77 155 15 15

Севганларга, севилишнинг
қийматини билганларга, севганини
кутганларга ва кутишни ҳам
севгига айлантирганларга
бағишлайман...

✦ @Dunyo_kitoblari_rasmiy ✦

Translation and Copyright Agency
«n Kutub» нашриётига тегиш-
лиги билан чоп этиш ва бошқа медиафор-
маларда тарқатиш мазкур асарнинг
муаллифи Fatih Duman.



Муаллиф ҳақида

Фотих Думан 1987 йили Сивас вилоятининг Шарқишла туманида дунёга келган. 2010 йили Догуз Эйлул университетининг илоҳиёт факультетини тамомлаган. Кейинчалик Иордания давлат университетида ҳам таҳсил олган. Унинг кўплаб мақолалари газета ва журналларда чоп этилган. Туркияда ташкил этилган конференцияларда қатнашиб, кўплаб интервьюлар берган ёзувчининг миллий радио (Морал ФМ) ва телевидение каналларида (24 ТВ) маданият мавзусидаги дастурлари эълон қилинган. Ҳозирги кунда ҳам радио ва телевидениеда дастурлари намойиш этилмоқда. Ҳафтада икки марта «Дирилиш Постаси» номли газетада ёзувчининг мақолалари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Девона	7
152 кун	83



тума-
ининг
дания
мақо-
ашиқил
бюлар
евиде-
рлари
ениеда
Дири-
эълон

Фотиҳ Думан

ДЕВОНА

«СЕВИШ КУТИШ ДЕМАҚДИР...»



Турк тилидан
Авазхон Умар
таржимаси



СЎЗБОШИ

Азиз китобхоним! Сиз мени китобларим орқали танийсиз. Лекин ёзиб сизга етиб бормаган ёзувларим қанча... Ёзмаганларим қанча! Қаерлардадир ёзилишини, қоғозга тўкилишни кутиб турган жумлаларим бор... Худди кеча кўрган, аммо узук-юлук эсланган тушлар каби... Кимгадир айтиб беришни истаган, бироқ айтиб берсанг ҳам чала-ярим эканини билган тушларинг каби.

Сир сақлаган ҳикояларим бор. Аслида, буни айтишга бироз тортиняпман. Хижолатдаман. Чунки бошида сизга барча сирларимни айтишга ваъда бергандим. Энди эса баъзиларини ўзимда олиб қолганимни айтиб, ўзимни сизларга бевафолик қилгандек сезяпман.

Аслида, сизлардан яширмадим. Ушбу ҳикояларни ҳам сизларга айтиб бериш учун бир жойга сақлаб қўйдим. Ўз вақтини кутиб турди. Бироқ чарчадим. Романга айланмаган ҳикояларни зеҳнимда олиб юришдан чарчадим. Бироз қўрқдим ҳам. Унутишдан ва сизларга айтиб бермасдан ўлиб кетишдан...Вақти-соати келганга ўхшайди, шунинг учун сизларга ёзяпман.

Дўстларим қистамаса, яна зеҳнимда қолиб кетарди. Лекин яхшиям қистадингиз, яхшиям ёзишга унда-дингиз. Чунки мен ёзган сари енгил тортаман. Бу худди дардингизни энг яқин дўстингизга айтиб, ғамдан қутулишга ўхшайди.

Чала қолган ҳеч нарсани ёқтирмайман: ярим қолган севгиларни, ярим қолган китобларни, ярим эшитилган қўшиқларни, ярим ичилган чойларни ҳам... Бироқ улғайган сари ҳеч нарсанинг мукаммал эмаслигини англаб борапман.

Бу сафар романга айланмаган, аммо доим столимнинг устида турган ҳикояларимни англантиш учун қоғоз-қалам олдим. Ушбу ҳикоялар ҳам ярим қолмасин дейман... Бунга кўнглим рози бўлмапти. Илк мартаба сиз учун ҳикоя ёздим, эй китобхоним!

Баъзида қаерлардадир эшитилган бир жумла илҳом эшикларини очди, баъзида кимдир айтиб берган қисқагина ҳикоя мени хаёл дарёсига етаклади. Биргина қўшиқ қулоқларимда янгради. Бир ҳикоя каби эшитилаверди. Ва мен ҳам буларни сиз учун ёздим.

Бундан кейин давом эттиришни ўйлаган ҳикояларимнинг биринчиси мана шу. Бир пайтлар эшитганим бир воқеани қўлимдан келганча ҳикояга айлантирдим. Ҳақиқат бўлган қисмларини сиз ҳам излашиб билиб оласиз ва амин бўласиз. Яъни айтиб берган кишилар ҳақиқий ва воқеалар ҳаётийдир. Ана шулар ҳақида ҳикоя ёздим. Қолганлари-чи?! Улар ҳам ҳақиқий, бироқ менинг ҳақиқатларим.

Кутилган гўзал бўлса, кутиш гўзал эканини аввал ҳам айтгандим. Бу гал бир инсоннинг нимани, нима

учун
дим.
нини
ҳикс

Ази
ди б
дард
вама

Яхш

Сиз
ўқиё
ним
Илт
да ў
Бил

учун ва қанчалик кутишини ҳикоя қилишга урин-
дим. Мана сиз ўқийдиган кутиш ҳикояси... Севги-
нинг яна бошқа бир номи кутиш эканини англатган
ҳикоя...



Азиз китобхоним! Сиз борлигингиз учун ёзиш дар-
ди билан ёняпман. Биласиз-а?! Мен бу дардни ҳам,
дардни берганни ҳам, дардимни тинглаганни ҳам се-
ваман.

Яхшиям, борсиз.



Сиздан кичкинагина илтимосим бор! Китобни
ўқиётганингизда халқ қўшиқлари ҳақида гапирга-
нимни, улардан мисоллар келтирганимни сезасиз.
Илтимос, ҳикояни ана ўша қўшиқлар ҳамоҳанглиги-
да ўқинг!

Биламан, халқона қўшиқларни сиз ҳам севасиз.

Фотиҳ Думан
Истанбул, 2024



@Dunyo_kitoblari_rasmiy

Ошиқларни «телба» дейдилар, бу қандай чўпчаг-а!

Истанбулда ҳаво совуқ ва тинмай ёмғир ёғяпти. Мавсум қишга ўтишга тайёргарлик кўряпти. Юзини қиш томонга буриб олган. Ёмғир уч кундан бери тинмай ёғяпти. «Катта масъулиятли инсонларнинг дарди ҳам катта бўлади» деганларидек, катта шаҳарнинг ҳам дарди катта бўлади. Ёмғир селга айланди, совуқ ҳаво касал қиляпти, йўллар асло тугамаяпти. Бироқ ҳамма қаергадир кетяпти. Қаергадир улгуришга ҳаракат қиляпти. Ҳеч ким тўхтамаяпти, эшитмаяпти ва ҳеч ким кутмаяпти.

Истанбул. Бир тонг вақти, қуёш булутлар ортидан кўринмаса ҳам, кун ёришганига бир соат бўлди. Ноябрь ойи. Тумонат одам, шовқин-сурон, ғала-ғоввур, мана шундай шошиб кетаётган гавжум одамлар орасида ҳаммадан ва ҳар нарсадан узоқда бир одам қабристонга қараб оғир қадамлар билан кетяпти. Қабристонда ҳеч кимса йўқ. Ўликлардан бошқа ҳеч кимса йўқ. Бу одам шаррос қуяётган ёмғирга ҳам, ҳар қадамда ботган лойга ҳам эътибор қилмаяпти. Ҳамма дунёга етишишга ҳаракат қилаётган бир пайтда у худди дунёдан қочаётгандек бўлиб ўликлар орасида сайр қилиб юрибди.

Узун сочларидан сирпаниб тушган ёмғир соқолларидан пальтосига ва деярли бутун баданига қуйиляпти. У эса тўхтамаяпти. Юришда давом этапти. Бирор жойни қидирмаяпти. Борадиган жойини билади.

Ёмғир кучайди, булутлар баттар қорайди. Худди тонг отмасдан қоронғи тушгандек эди. Ҳалиги одам бир қабрнинг олдида тўхтади. Аввал яқинлашишга чўчигандек бўлди. Бироз кейин ёмғир ҳўл қилган юзидан оққан сувлар лабига қуйилди. Тиззасини букиб чўккалади. На ёмғир ва на лойга қаради. Қўлларини оқ мармарнинг устига қўйди. Дудоклари қимирлади. Дуо қиляпти ёки гаплашяпти. Ёмғирдан шалаббо бўлган, икки қўлини қабр тошига қўйган ва чўккалаган ҳолда гаплашяпти. Ажабо, ким билан гаплашяпти? Қабристонда ҳеч ким йўқ. Аслида, қабристон тўла одам, аммо гапира оладигани йўқ.

Овози титради ва ютинди...

«Мен Аҳмад...» деди ва сукут сақлади.



Ҳар йўлга чик
мана шу қўшиқ
га отланиш учу
билан беихтиёр
Худди эшикдан
тиб тургандек
бирдан хиргой
яхши халқ қўш
чи кимсаси бўл

Мен кетиш ва
кетишми, келиш
келадиган, қайт
дан, балки, доим
ҳар доим осон.
аслида, адашяп
кетиш билан ҳам

Ҳатто мендан «У
ланмай: «Йўл», д

Бир неча ой аввал

Йўллар, сизда юра-юра чарчадим.

Ҳар йўлга чиққанимда тилим бисмиллоҳдан кейин мана шу қўшиқни айтади. Ҳеч ўйламасам ҳам, сафарга отланиш учун уйдан ташқарига қадам ташлашим билан беихтиёр тилимда мана шу қўшиқ янграйди. Худди эшикдан чиқишимни пойлаб, бир чеккада кутиб тургандек бирдан тилимга ўрнашиб олади. Ва бирдан хиргойи қила бошлайман. Ҳақиқатан жуда яхши халқ қўшиғи. Айниқса, мен каби ортида кутувчи кимсаси бўлмаганлар учун...

Мен кетиш ва келиш орасида юрган одамман. Агар кетишми, келишми деб бирини танлайдиган бўлсам, келадиган, қайтадиган жойим йўқ деб ўйлаганимдан, балки, доим кетишни танларман... Чунки кетиш ҳар доим осон. Энг қийини – қолиш, менимча. Йўқ, аслида, адашяпман ёки ўзимни алдаяпман. Чунки кетиш билан ҳам ҳаммаси тугамайди.

Ҳатто мендан «Умр нима?» деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай: «Йўл», деб жавоб берган бўлардим. Умр бир

йўлдир. Ҳеч тўхтамай кетиладиган йўл. Мен учун ҳам шундай. Ҳар доим йўлдаман. Кетмоқдаман.

Ҳар доим йўлда бўлишим, балки, ишим билан боғлиқдир. Йўқ, буни фақат иш билан алоқадор деб ҳам бўлмайди. Менимча, фитратимда шундай бўлса керак. Пешонамга шундай ёзилган. Лекин мен ҳам оқшом бўлиши билан ишини тугатиб уйига кетадиган инсонларга ҳавас қиламан. Мени кутадиган кимдир бўлишини, кеч қолганимда хавотир оладиган инсон бўлишини истайман. Яна нима дейиш мумкин?! Уйга келганимда Аллоҳ берган ризқ билан пиширилган овқатнинг исини бурнимга тортиб, самимият билан «Хуш келибсиз» деган гапни эшитишни ва ҳақиқатан ҳам хуш кўришни истайман.

Эшигини калит билан очиб кирадиганлардан эмас, қўнғироқни босиб кирадиганлардан бўлишимни истаяпти бир ёним. Аммо бир ёним сабабсиз бир шаклда бундан қочаяпти. Севишдан, севилишдан қочаяпти. Бўлишдан қочяпман, аслида. Кимгадир умид бўлишдан, кутгани, севгани, хаёли, ўйлагани, ҳатто ўйламагани бўлишдан қочяпман. Менимча, қолишдан ва бир жойли бўлишдан қўрқяпман. Аслида, сабабининг нима эканини биламан, аммо ҳозир вақти эмас.

Бироқ шуни айтишим мумкинки, инсон севгига мубтало бўлса, уни тезда йўқотиш туйғуси ўраб олади. Чунки севги қолиш дегани, кетиш дегани эмас. Мен бировни севадиган даражада жасоратли инсон эмасман. Севиш – жасурларнинг иши. Менинг ишим эса – кетиш. Ҳолбуки, севадиган одам кетмайди. Энг камида ёлғиз кетмайди...

Ме
да
қў
чи
да
Ни
оли
лиг
ши
қид
дар
яго
қоч
гоҳ
Мен
мени
чин
тушу
синг
йўқ.
лаган

Мени
Қўли
ганла
раф о
расм
диган
ни эм
афсун

Мен эса кетишдан ҳам оғирини қиялман. Очиқдан-очиқ қочялман. Ўтмишимдан, ёлғизлигимдан, қўрқувларимдан, дардларимдан қочялман. Ҳатто қочишдан ҳам қочялман. Бироқ нима қилмайин, ўзимдан қоча олмаялман.

Нима қилсам, қаерга кетсам ҳам ёнимда ўзимни олиб кетиш нақадар мушкул-а! Ўзингдан қоча олмаслигинг қандай ёмон! Шунча йўл юришимнинг, кетишимнинг сабаби, аслида, ўзимга қочадиган бир жой қидириш. Бир чора излаш. Аммо бўлмаяпти. Инсон дардидан қочса, ўзидан қоча олмайди. Балки, бунинг ягона чораси ақлдан қочишдир. Менимча, ўзидан қочиш учун ақлдан озиш керак. Шунинг учун ҳам гоҳида ақлдан оза оладиганларга ҳавасим келади.

Менга қолса, ҳаммасидан энг яхшиси - кўнгил. Бироқ менинг кўнглим синиқ. Парча-парча, ҳатто чилпарчин кўнглим бор. Ҳеч кимники бўлмаган, ҳеч кимни тушунмаган, сиғдирмаган, ҳеч кимга жой бермаган, синган кўнглим бор. Ақлимнинг фойдасидан дарак йўқ. Лекин мен ҳар доим ақлини эмас, кўнглини танлаганларга қойил қоламан.

Менинг ишим - расмга олиш. Мафтункор бир иш. Қўлига телефон олиб, ҳар кўрганини расмга оладиганлар ҳақида гапирмаялман. Бир замонлар фотограф оладиган жиҳоз кашф қилинганда илк маротаба расмларини кўрганлар бу аппаратга вақтни тўхтатадиган, бир парча қоғознинг ичига фақатгина инсонни эмас, балки ўша сонияларни акс эттирган сеҳр, афсун сифатида қараганлар. Ҳаётларида битта бўлса

ҳам расмим бўлсин деб бу сеҳрли қутичанинг рўпарасига туриб, вақтни тўхтатиб, ундан устун эканларини кўрсатганлар. Мен ҳозир ҳам расмларнинг мана шундай кучи борлигига ишонаман. Ҳақиқатан вақтни тўхтатиб қўйгандек. Ҳалигача кармонининг ичида яқинларининг расмларини олиб юрадиганларни яхши кўраман.

Аслида, авваллари бир фотография студиям бор эди. Инсонлар расм тушиш учун келишарди. Ҳозирги кунда эса расм тушадиганларнинг ёнига ўзим бораман. Кетиш учун бир баҳона-да!

Ҳам ҳозир бирор шахс учун эмас, журналлар, газеталар, баъзида телевидение учун сурат оламан. Масалан, бир журналнинг бу ойги сониде кўрсатилиши керак бўлган шаҳар Мардин¹ деб олайлик. Мен ҳам автоуямга ўтириб, айланиб-айланиб Мардинга бораман. Расмлар оламан, инсонлар билан суҳбатлашаман, инсонлар билан танишаман ва яна қаерларгадир кетиш учун манзилимга қайтаман. Бутун келишларим ҳам кетиш учундир, аслида.

Ишим шу-да. Кетиш учун, тўғрироғи, қочиш учун йўл қидириш. Ва ҳар қочишимда янги юзлар, янги маконлар, янги ҳикоялар билан қайтаман. Менимча, ҳар бир расмнинг алоҳида ҳикояси бор. Бўлиши ҳам керак. Агар ҳикояси бўлмаса, расмга олиб нима қиламан? Айтдим-ку, мен расмга олмайман. Мен вақтни тўхтатаман. Муҳрлаб қўяман.

Масалан, бу сафар Қора денгизга бораман. Бир туристик фирма реклама фаолияти учун уста, моҳир

¹ Туркиянинг жануби-шарқий томонидаги қадимий шаҳар.

суратчи қидираётган экан, менга алоқага чиқишди.
Таклифни қабул қилдим. Қора денгизнинг жуда кўп
шаҳарларида бўлганман, аммо **Синопга** авваллари
ҳеч бормагандим. Шунинг учун ҳам рози бўлдим.

Яна йўл кўринди. Уйимни қулфлаб, уйдан чиқдим.
Тилимда яна ўша қўшиқ янгради:

*Йўллар, сизда юра-юра чарчадим,
Оёғимга тикан ботди, атиргул деб ўйладим.*



*Қуш қаноти қалам бўлса,
Ёзилмас менинг дардим.*

- Тинчликми, Аҳмад ака, қовоғингиздан қор ёғяпти?!
Нима бўлди? Ким кайфиятингизни бузди?

- Йўқ, ҳаммаси жойида, Салим! Ҳар доимгидек! Яна
юрагим сиқияпти. Ўзимни сиқишни яхши кўраман,
биласан-ку! Яна шундай ҳол-да!

- Э, қўяверинг! Ҳаммамиз шунақамиз, ака!

- Шунақа, тўғри айтасан, Салим! Аммо ёлғизлик қи-
йин!

- Биласиз, ҳаммаси ўз қўлингизда. Истасангиз, ёл-
ғизликдан қутуласиз.

- Ҳақсан, лекин бўлмаяпти.

- Менимча, бўлади, ака! «Аллоҳ қайтадан бошлаган-
ларга, ғайрат қилганларга ёрдам беради» деган гап
бор. Сиз ҳам янгитдан бошланг. Аллоҳ, муҳаққақ,
мададкор бўлади.

Салим баъзида ҳамма ишга бурнини суқарди. Аммо
тўғри айтади. Аллоҳ ёрдам беради. Лекин мен ўзимга
ёрдам бера олмаяпман-ку!

Салимни таниганимга ўн йилдан ошди. Маҳалланинг саноқли мард, юрагида ўти бор йигитларидан. Укам бўлса, шунақа бўлишини истардим. Жуда соф, ҳалол йигит.

Беш йил олдин бир босмаҳонада ишларди, янгилишмасам. Бир куни оқшом уйга қайтаётганимда йўлда Наримон холани кўриб қолдим. Наримон хола кўп қаватли уйимизнинг рўнарасида ўтирарди. Эри Мустафо амаки давлат ишида ишлайди. Йиғиниб, пул тўплаб, отасидан мерос қолган ерга икки қаватли уй солган. Оддий ишчи бўлгани боис йиғиниб-йиғиниб, ўн йил деганда уйни битказиб олди.

Кичкина томорқали, икки қаватли ҳовли. Томорқада мавсумга қараб бахмалгул, атиргул, бинафша каби чечаклар бўларди. Ҳар мавсумда гуллар бўларди. Иккинчи қаватда ўғли Ризо ўтирарди. Биринчи қаватда эса ўзлари яшашарди. На Мустафо амаки нафақани кўра олди, на Ризо бу ҳовлида ўтирди. Ризо уйлангач, аёли «ҳақиқий» кўп қаватли уйда ўтиришни истабди. Кўп қаватли мажмуада лифтли уй бўлиши керакмиш. Етмиш ёшга яқинлашганига қарамай, Наримон хола эрининг омонатига эга чиқиш учун битта ўзи мана шу ҳовлида яшаяпти. Салим мана шу ҳовлида ижарага туради. Наримон хола ва Мустафо амакининг ўғли Ризо ёқтирмаган, ўтиришни истаманган мана шу ҳовли Салим учун бир бошпана. Ризо ўн беш кун ёки бир ойда меҳмондай келиб-кетди. Ҳа, майли. Ўша куни йўлда кўришиб қолганимизда Наримон хола Салимнинг ишдан бўшаганини айтиб қолди:

- Сенинг қўлинг узун. Салимни биласан, яхши, ҳа-
дол йигит. Бирор иш топайлик. Ўртада сарсон бўлма-
син. Биласан, ўзи яқинда оила қурди. Маҳалладоши-
мизга ёрдам қилиш бурчимиз ахир. Биласан, Аҳмад,
маҳалла оиладек гап.

Наримон холанинг гапларида жон бор эди. Қаранг,
ўз ўғли меҳмон каби эди, аммо етти ёт бегона Салим-
ни ўз ўғлидек кўраётганди.

Ҳақиқатан маҳалла оила демак. Яъни бир замонлар
шундай бўлган. Эски одамлар учун ҳали ҳам маҳалла
оила деганидир. Айниқса, маҳалласидан бошқа ҳеч
кими қолмаганлар учун шундай. Масалан, мен учун.

- Биламан, хола, - дедим. - Яхшиям, айтдингиз. Мен
бир сўраб-суриштириб кўрай. Насиб бўлса, иш то-
памиз.

- Иншааллоҳ, болам, - деди. Мени кечки овқатга так-
лиф қилди.

- Бошқа сафар, иншааллоҳ, - дедим.

Шунда ҳам Наримон холанинг кўнгли жойига туш-
мабди, шекилли. Ярим соат ўтмасдан қўлида бир то-
воқ билан чиқди. Дўлма олиб келибди. Барака топсин!

Мен ҳам ўша кечаси бир қарорга келдим. Эрталаб
Салимга телефон қилиб, ёнимга чақирдим. «Мен
билан ишла», дедим унга. «Нима топсак, ўртада», де-
дим. Салимнинг кўзлари порлаб кетди. Жуда севин-
ди. Тўғриси, мен ҳам севиндим.

- Қара! Автоуйни сен ҳайдайсан. Эски, лекин муам-
моси йўқ. Ишимизга ярайди. Жуда люкс бўлиши ҳам
шарт эмас. Жуда уйдаги юмшоқ диванингдек эмас-

дир, аммо ётса бўлади. Турли шаҳарларга борганда меҳмонхонада қололмайман. Мана шу автоуйда ётиб турамиз. Ҳисоб-китоб ишларига ҳам сен қарайсан. Иш юзасидан телефон қилганлар билан сен гаплашасан. Хуллас, ҳисоб-китоб ишлари сенда!

«Автоуйни сен ҳайдайсан. Мен фақат суратга оламан. Қолган ҳамма иш сенда», дейишим билан Салим қандай миннатдорлик билдиришни билмай қолди. «Аммо бир шартим бор. Одатда иш сафаримиз икки кундан ошмайди. Мабодо икки кундан ошадиган бўлса, уйингга қайтасан. Сени уйда кутадингнинг бор. Меники йўқ», дедим.

Ташаккур айтиш учун қўлимни ўпмоқчи эди, зўрға тортиб олдим. Наримон холага ҳам: «Салимнинг иши ҳал бўлди», деб хабар беришни унутмадим.

Ана ўша кундан бери Салим ёнимда. Аслида, менинг ёрдамчига, ишчига эҳтиёжим йўқ эди. Аммо инсонга эҳтиёжманд эдим ва Салим яхши инсон эди.

- Майли, буларни қўй, Салим! Эҳтиёт бўлиб ҳайда. Мен орқада бироз мизғиб олай.

- Сўраш эсдан чиқибди. Алиф хонимча яхшими? - дедим ҳеч унутишим керак бўлмаган бир нарсани эслаб.

- Қандай бўларди, юрибди ўйнаб-кулиб. Ерга урсангиз, кўкка сапчийди тушмагур. Кўз тегмасин. Исмини сиз қўйганингизга сиз каби оғир-босиқ бўлади, деб ўйлагандик. Лекин унақа эмас. Асти қўяверасиз. Онам бундай жойида ўтиролмайдиган болаларни «Бир ҳовуч олов», дер эди. Алиф ҳам худди шунақа қиз бўлди. Оловнинг ўзгинаси.

- Тўғри
бундан
«Алиф

«Алиф
бир о
юзига

- Бир
ётоққ

Нима
нарс
тиққа
нарс
Энди
тасиз
гизга
эшит
санги
ўрна
вом :

Ҳози
секи
эски
рими

Хот
ўтга
нарс
даги
лар
шаб
ёгда

- Тўғри, исмини мен қўйган эдим. Чунки тилимда бундан бошқа исмнинг ўзи йўқ... Ким исм сўраса, «Алиф!» дейман...

«Алиф бўлсин», деганман. Сўнгра чап томонимда бир оғриқ пайдо бўлганди. Муштдек чақалоқнинг юзига ҳам қарай олмагандим.

- Бирор нарса қўй, эшитайлик, - деб орқа томондаги ётоққа узандим.

Нимага бунақа, билмайман. Бироқ энди унутаётган нарсаларингизни бирданига эслаш жуда оғир. Ёстиққа бош қўйишингиз билан унутдим деб ўйлаган нарсаларингиз тўрт томондан сизни қуршаб олади. Энди эсдан чиқардим деганингизда бир ашула эшитасиз ёки бир шеър, бир сўз эшитасиз ёки димоғингизга бир ис келади, унинг овозига ўхшаган овоз эшитасиз. Кейин эса «унутдим» деган ҳар бир нарсангиз эскисидан ҳам шиддатли шаклда зеҳнингизга ўрнашиб олади. Уйқу қочади, зеҳнингиз ўйлашда давом этади. Зеҳним алғов-далғов.

Ҳозир худди шундай ҳолатдаман. Салим автоуйни секин ҳайдаб кетяпти. Мен эса кечанинг бу соатида, эски автоуйимнинг ётоғида ётиб олиб эски кунларимга саёҳат қиляпман.

Хотираларимдан қоча олмаяпман. Шунча йил, вақт ўтган бўлишига қарамай, унутдим деб ўйлаган ҳеч нарсани унутмабман. Мана шу автоуйнинг тахтасидаги синиқ ҳам эски хотираларни эслатади. Жавонларнинг ранги, мана шу диваннинг устидаги чойшабнинг нақшлари, кичкина газўчоқнинг ёнидаги ёғдан қолган доғлар... Ҳаммаси хотира.

Авваллари ҳозиргидек ёлғиз эмасдим. Севганларим, яқинларим бор эди. Ҳозир ҳам бор, шукр. Аммо бу бошқача ёлғизлик. Аслида, кимсасизлик.

Бироз ўтгач, қулогим бир қўшиқ оҳангига тўлди. Кейин кўнглимга кирди, кейин эса кўзларимда намоён бўлди.

«Бирор нарса қўй, эшитайлик», дейиш мен учун нима маъно касб этишини Салим ҳам тушуниб олганди.

Оқшом тугаб, кеча бошланар экан, йўлда секин кетар эканмиз, автоуйимнинг орқасидаги диванда кўзларим юмилди ва фақатгина қўшиқни тингладим:

*«Алиф дедим, бе дедим,
Қиз, мен сенга не дедим?...»*



Қачон ухлаб қолганимни ҳам эслай олмадим. Қўшиқни эшитиб ётиб қотиб қолибман. Туш кўрдимми, йўқми, уни ҳам эслай олмадим. Фақатгина бир одамни эсладим. Шунчаки бир жойда кутиб ўтирган одам. Бори шу.

Узун йўлнинг ўртасида узоқларга кўз тиккан ёш, бироқ аҳволи паришон бўлган одам. Фақатгина ўша ёш одам ва унинг кутиши. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Бу бир тушми ёки бошқа нарсами, била олмадим. Англамадим.

Ҳали уйқум тўлиқ очилмасдан чўзилиб ётгандим, автоуй бирдан сакратиб юборди. Кўзларим очилди.

Салим
қўйи
Одат

- Узр

Эши

Ётов

зим

Ақл

ақл

бил

фон

ета

так

Тел

иш

ма

со

- А

- Д

Э

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

Салим яна йўл ўртасига тезликни камайтириш учун қўйилган дўнгликдан катта тезликда ўтиб кетганди. Одатда, шунақа қилади.

- Узр, ака! - деди.

Эшитмаганга олдим. Ўрганиб қолгандим.

Ётоқда узаниб ётишда давом этдим. Бироз ўтиб кўзим столчанинг устида турган телефонимга тушди. Ақлли телефон ишлатмайман. Инсонларнинг ҳам ақллисидан қочар эканман, камига, ақлли телефон билан бошимни оғритайми? Асло керак эмас. Телефон қила олсин, смс ёза олсин ва соатни кўрсатсин, етади. Чунки эсимни таниганимдан бери қўл соати тақишни жиним суймайди.

Телефон экранидаги рақамларни кўриб кўзларимга ишонмадим. Соат эрталабки беш эди. Роса ухлабман. Ўзи йўлнинг ҳаммаси олти-етти соат бўлса, беш соатини ухлаш билан ўтказибман.

- Ака, бирор жойда тўхтаб, овқатланиб олайликми?

- деб сўради Салим.

Эшитмаганликка олдим яна.

- Ака?

- ...

- Аҳмад ака!

- Нима бўлди, Салим?!

- Бирор жойда нимадир еб оламизми, дедим.

- Ҳа, майли!

Сал ўтиб Салим бир автошоҳбекатнинг ёнида автоуёни тўхтатди. Автоуёдан тушишимиз билан юзимизни силаган тонг аёзи уйқумизни учирди. Ўзимизга келдик. Эгнимиздаги курткамизнинг замогини томоғимизгача тортдик. Кейин кузнинг майин шаббодаси билан келган тупроқ иси – бу дунёда онамнинг ҳидидан кейинги энг севган ҳидим – димоғимга тўлди.

– Ўзи ҳам маза қилиб ухладингиз, ака! – деди Салим мийиғида кулиб.

– Тўғри айтасан, шунақа бўлди. Роса чарчаган эканман-да! – деб юришда давом этдим.

– Деярли келиб қолдик, ака! Оз қолди!

Азон овози келди. Яқин қишлоқлардан бирида айтилаётган азон саси тупроқ ифори билан бирга атрофга ёйилди. Жомега улгурмас эдик. Ташқаридаги артизандан оқаётган совуқ сувда таҳорат қилдик ва қизил бўёқ билан катта қилиб АВТОШОҲБЕКАТ деб ёзиб қўйилган, аммо қишлоқнинг эски чойхонасидан сал мундайроқ, олдида томорқаси бор бир қаватли бино эди. Унинг шундоқ ёнгинасида ушбу автошоҳбекат деб аталган бинога ёндош қилиб солинган бир уй бор эди. Шу бекат ёнидаги чойхона эгасининг уйи эди. Мана шу ерда намозимизни ўқиб олдик.

Кейин тахта столлар билан жиҳозланган шинамгина ошхонага кирдик. Аслида, ошхона десак, хато бўлади. Уйдек эди. Ўртада печкада кўмир ёняпти. Деворларда бир-бирига алоқаси бўлмаган таблолар осилиб турибди. Эшикнинг рўпарасида тахта парда билан

ажратил
тахтала

Аслида,
унумли
ни сиғд
Ҳамма

Бироз ў
нинг ор
ган кўз
алик ол

– Мерж
сўрадим

– Бу вак

Салим
деворни
рози бў
қа жой
канинг
гурулла
лигини
шини б

Бирозда
йин икк
ичига б
шўрва э

Салим
дики, га

1 Турк

ажратилган ошхона қисми бор. Олдида шиша пештахталар ва ичида овқатлар турибди.

Аслида, жуда кичкина жой, аммо ҳар бир қаричидан унумли фойдаланилган. Кўпи билан йигирма кишини сиғдира олади. Бироқ жуда шинам, файзли жой. Ҳамма нарса табиий ва қалбаки нарса йўқ.

Бироз ўтиб ошхона томондан, шиша пештахталарнинг ортидан семиз бир ошпаз ҳали уйқуси очилмаган кўзларини ишқалаганча келди ва саломимизга алик олди.

- Мержимек (ясмиқ)¹ шўрвангиз борми, уста? - деб сўрадим.

- Бу вақтда фақат ясмиқ шўрваси бор холос, - деди.

Салим ички томондаги катта турк байроғи осилган деворнинг олдида ўтиришни таклиф қилди. Мен рози бўлмадим. Қаердадир печка бўлса, у ердан бошқа жойга ўтирмайман. Шундай қилдим ҳам. Печканинг ёнгинасидаги столчага жойлашдим. Ҳали гуруллаб ёнмаган бўлса ҳам, менга ичида олов борлигини билиш ва бироз ўтиб орқамга иссиғи урилишини билишнинг ўзи етарди.

Бироздан кейин ошпаз саватчада нон олиб келди. Кейин икки коса ясмиқ шўрваси келтирди. Шўрванинг ичига бир сават нонни тўғраб ейилади ва қоринни шўрва эмас, нон тўйдиради.

Салим шунақанги иштаҳа билан тановул қилаётгандики, гапиришга уялдим. Секин-аста орқадан урган

¹ Турк ошхонасининг суюқ таомларидан бирининг номи.

иссиқнинг ва жуда мазали шўрванинг таъсирида бироз бўшашдим. Уялмасам, энди уйқудан турганимни ҳам унутиб, эгнимдаги ичи юнгли курткамни устимга ёпиб яна уйқуга кетган бўлардим.

«Қаердан келяпсизлар?» деб сўраган ошпазнинг қалин овозидан ўзимга келдим. Салим жавоб беради деб унга қарадим. Индамади. Фикримча, уни ҳам менинг устимга тушган оғирлик қуршаб олганди.

- Истанбул, - дедим кўп гаплашмоқчи эмаслигимни билдирувчи оҳангда.

- Бу мавсумда бу ерларга одам келмайди. Шундай бўлса ҳам, хуш келибсизлар.

Шундай бўлса ҳамми?

- Шундай бўлса ҳам, хуш кўрдик, - дедим мен ҳам.

- Қоласизларми ёки йўлда давом этасизларми? - деб сўради бу сафар. Мен гаплашишни истамасам ҳам, у давом этипти. Бошимни кўтариб Салимга қарадим. Хайрият, Салим ҳам ўзига келиб қолибди. Бу сафар у жавоб берди:

- Боябатга¹ кетяпмиз.

- Ие, ўтиб кетибсизлар-ку. Боябат ўттиз беш километр орқада қолиб кетди-ку!

- Қанақасига? - деб ҳам таажжуб, ҳам жаҳл билан Салимга қарадим.

- Ҳа, орқада қолди.

¹ Туркиянинг Синоп вилоятига қарашли бир туман.

«Эх
қае
Ҳеч
лад
бил
рам
Тўғ
тоу
хис
ўти
Сал
эка
уйн
Қуё
ди. I
кичи
жих
кунд
гову
Ради
дим.
рак э
анча
Бирс
на ш
ҳолат
мади
Бир н

«Эх, Салим! Мен-ку ухладим дейлик, сенинг хаёлинг қаерда эди?» дедим ичимда.

Ҳеч нарса демадим. Шўрвани еб бўлиб, пулини тўладик. Ошхонадан чиқдим. Салим ичкарида ошпаз билан бир нарсаларни гаплашди. Нима эканини сўрамадим ҳам, қизиқмадим ҳам.

Тўғри автоуйнинг руль тарафига бордим. Бу гал автоуйни мен ҳайдайман. Салим ҳам ўзини айбдор ҳис қилгандек келди ва ҳеч нарса демасдан орқага ўтирди.

Салимнинг: «Ўн километрдан кейин қайтиб келар эканмиз», деганини эшитдим. «Ё тавба», деб автоуйни юргиздим.

Қуёш деярли чиқиб қолганди. Атрофга ёруғлик ёйилди. Йўлнинг икки томонида ям-яшил далалар, орада кичик қишлоқлар кўринди. Онадўлининг мана шу жиҳатлари гўзал. Кечаси кечага ўхшайди, кундузи кундузга. Ҳеч ким шошмайди, тумонат одам, ғалаговурнинг бу томонларга асло йўли тушмайди.

Радиони ёқдим. Гўзал қўшиқ эшитишга эҳтиёж сездим. Руҳан дам олиш учун нимадир тинглашим керак эди. Чунки тинглашнинг ҳам дам олиш эканини анчадан бери билардим.

Бироқ радио каналларини созлай олмадим. Фақатгина шириллаган овоз келарди. Роса асабга тегадиган ҳолат. Радионинг мурвати бузилганми ёки? Билолмадим.

Бир неча марта синаб кўрдим, бўлмади.

Кўзимни йўлдан олмасликка ҳаракат қилдим, аммо диққатимни тортаверди. Радиони бир неча марта ўчириб-ёқдим. Ҳатто бир неча бор туркча усул билан уриб ҳам кўрдим. Барибир бўлмади. Охири қаттиқ бураган эдим, ўхшади.

Худди катта бир муаммони ҳал қилгандек чуқур хўрсиниб, бошимни радиодан кўтаришим ва тормозни босишим бир бўлди. Бир одам ўн-ўн беш метр нарида ерга чўккалаганча ўтирибди. Қачон у ерга келди, қаердан пайдо бўлди, билолмадим. Бор кучим билан тормоз бердим. Автоуй сирпана-сирпана кетар, тўхтай демасди. Ҳалиги одам ҳам жойида турибди. Қочмади.

Автоуйнинг ҳам тўхташ нияти йўқ эди. Кўзларимни юмдим, бошимни ён томонга бурдим.

«Аллоҳим», дедим. Рулга икки қўлим билан маҳкам ёпишдим.

Автоуй тўхтади. Бир муддат ўзимга келолмадим. Кўзларимни очолмадим. Бироз вақт ўтиб бир нима қилиб кўрқа-писа кўзларимни очдим. Олдинга, ўнгга, чапга қарадим. Ҳеч ким йўқ эди. Бироз аввалги одам қаерга йўқолди?

Чуқур нафас олиб автоуйнинг эшигини очдим. Одам уриб юборганимга ишончим комил эди. Қўрқув аралаш бир неча марта ютиндим. Машинадан тушдим. Титрадим. Бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин эди, аммо кимнингдир ҳаётига зомин бўлишим мумкин эмасди. Бундай гуноҳга чидай олмасдим. Яшай олмасдим. Автоуйнинг олд томонига ҳадиксираганча бир неча қадам ташладим.

Ҳал
бир

«Ал

Ода
ёни

ўзи

- Я
ми?

Уни
ди у
ган

чўк
қол
қўл

- Но

- Ни

- Но
улок

Зеҳн
бурл
мади

дан т
берд
дан к
тида

- Оғ
йўлн

Халиги одам ўша ерда эди. Автоуй билан орасида бир метрлар бор. Яъни уни уриб юбормабман.

«Аллоҳимга шукрлар бўлсин!» дедим ичимда.

Одам хали ҳам ерда чўккалаганча ўтирарди. Дарров ёнига бордим. **Озғиндан келган одам эди. Эғнида ўзидан катта пальто, бошида қалпоғи бор.**

– Яхшимисиз, биродар? Бирор жойингиз лат емадими? Ҳеч нарса қилмадими? – деб елкасидан тутдим.

Уни ушлаганимдан сўнг ўзига келгандек бўлди. Худди уйқудан уйғонгандек эди. Бироз олдин рўй берган ҳодисани идрок қила олмади. Ёш эди, аммо анча чўкиб қолганди. Балки, қўрққанидан шокка тушиб қолгандир, деб ўйладим. Йўл четига чиқариш учун қўлтиғидан тутдим. Лекин у турмади.

– Нон, – деди.

– Нима? – дедим.

– Нон, – деди, – йўлга нон ташлашибди. Неъмат ерга улоқтириладими?!

Зеҳнимда бўронлар қўзғалди. Тушунолмадим. Мажбурлаб турғизишга ҳаракат қилсам ҳам, ердан турмади. Қарасам, ердаги нон увоқларини олмасдан ердан турадиганга ўхшамади. Шунинг учун унга ёрдам бердим. Нон увоқларини йўл четига қўйдим. Шундан кейингина ўрнидан туриб, ёнимга келди. Йўл четидаги бир тошнинг устига ўтирди.

– Оғайни, яхшисиз-а? Худо хайрингизни берсин, йўлнинг ўртасида нима қилиб юрибсиз?

Ҳеч нарса демади. Шунчаки ўтирган жойида олдин-га-орқага тебранган ҳолда:

- Инсонлар нима учун бундай қиладилар? Нима учун неъматни ерга ташлайдилар? Шунақа қилганлари учун бечора қушлар нон увовқларини ейман деб машина тагида қоляпти, - деди.

Яна тебранди.

- Нимага? Нимага бу одам боласи шунақа, а?!

Бу ерда нимадир ғалати эди. Тушуна олмадим. Лекин бу одамни ҳам шундай ташлаб кета олмасдим.

- Келинг, қаерга борсангиз, ташлаб қўяман, - дедим.

Йўқ дегандек бошини икки томонга сараклатди.

- Ҳа, майли, - дедим ва бироз кутдим. Хотиржам тортишини кутдим. Лекин шундоқ ҳам хотиржам, сассиз одам экан. Аслида, титраган ҳам у эмас, мен эдим.

- Исмингиз нима? - дедим.

- Эжевит, - деди.

- Эжевитми? - дедим таажжуб билан. Чунки илк маротаба бундай исмли инсон билан кўришиб туришим эди.

- Ҳа, Эжевит, - деди.

- Бу ерда нима қилиб турибсиз, Эжевит? - деб сўрадим.

- Турганим йўқ, кутяпман, - деди.

Туриш ва кутиш бир хил нарса эмасди. Бу борада у ҳақ эди.

- Ҳўш, нимани кутяпсиз? - дедим.

- Уни, - деди. - Айта олмайман, - деб қўшиб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам айтмади. Чурқ этмади. Ўрнидан қўзғалиб, бир муддат юзимга тикилиб турди. Сўлгин ва осилган юзлари, йиғламсираган кўзлари билан қараб турди. Нима қилишни билмай қолдим. Кейин эса орқага ўгирилиб, ўзига ўзи бир нарсалар деб гудурлаб кетди: «Инсонлар нимага бунақа қилади-а?»

Бир неча қадам узоқлашган пайт ортидан бормоқчи бўлдим. Ўша пайт ортимдан келган овоздан чўчиб кетдим. Салимнинг овози эди. Орқамга ўгирилдим. Салим югуриб олдимга келди.

- Тинчликми, ака? Нима бўлди?

- Ҳеч нарса бўлмади. Ҳаммаси жойида. Хавотир олма. Шу кетаётган одам автоуйнинг олдидан чиқиб қолганди, бирданига тормоз бердим. Худога шукр, уриб юбормадим. Унга ҳеч нарса қилмади, - деб яна орқамга қайрилгандим, аллақачон кетиб бўлибди. Узоқлардан соя каби элас-элас кўзга ташланди холос.

- Ким у, ака? - деди Салим.

Ҳеч нарса демадим. Аммо Салим ҳаммасини тушунганди.

- Ҳа, шу кетаётганми?

Яна жавоб беролмадим.

- Бориб қараб келайми? - деди.

- Йўқ, йўқ. Керак эмас, Салим! Қани, машинага чиқайлик, - деб уловимизга қараб юрдим.

Машинага ўтирганимда ҳали ҳам хаёлим жойида эмасди. Қўрқувданми, ҳайратданми ёки бошқа нарсаданми, тўғриси, билолмадим.

– Сенинг ҳам уйқунг жуда қаттиқ экан, Салим. Дунёга ўт тушса ҳам, уйғонмайсан, – дедим жаҳл аралаш.

Жавоб бермади.

Бир муддат машинани ўт олдиrolмадим. Бироз ўзимга келгач, қанча уринсам ҳам тўлқинларини тўғрилай олмаганим, мени асабийлаштириб бошимга не балоларни солишига бир баҳя қолган радиодан қулоғимга бир қўшиқ келди:

*«Телли турнам¹, гар бизнинг элга борсанг,
Шакар сўйла, шарбат сўйла, бол сўйла...»*

Кейин бирданига кечаси кўрган тушим эсимга тушди. Наҳотки деб ўйладим. Бир одамни кўргандим тушимда. Бир чеккада шунчаки кутаётганди. Ғалати бўлдим. Қайси бирига ажабланишни ҳам билмай қолдим.

«Хайрлиси бўлсин», деб газни босдим. Машинани оҳиста ҳайдаб борар эканман, зехнимда бироз аввалги одамнинг исми нима эди деган савол айланарди. Ҳа, Эжевит эди. Қандай ғалати исм-а! Кейин эса Эжевитнинг узоқлашаётиб айтган гаплари зехнимда айлана бошлади: «Нимага одамлар бунақа қиладди-а?»

1 Турнанинг бир тури.

Йўлда
ҳаёт к
Ҳаёт д
ган си
билма

Бас, йў
этади.
лар ку

Менда
дан қо
шаҳар
Минг
чиқав
гизда
қочса

Йўлни
эканм
кимга

1 Оғ

ёлим жойида
ки бошқа нар-

Салим. Дунё-
жаҳл аралаш.

мадим. Бироз
ўлқинларини
ириб бошим-
ган радиодан

борсанг,
ўйла...»

эсимга туш-
и кўргандим
тганди. Ғала-
и ҳам билмай

и. Машинани
да бироз ав-
вол айланар-
-а! Кейин эса
лари зеҳним-
бунақа қила-

Ўқсиз, ханжарсиз, қонсиз бир яра,
Ҳеч бир табиб бунга тополмас чора.
Кошки, Мансур каби оссалар дорга,
Баданимда эмас, руҳимда сизи¹...

Йўлда бўлишнинг энг ғалати томонларидан бири
ҳаёт каби бир қадам нарини билмасдан кетишдир.
Ҳаёт дегани шу. Қанча режа қилсангиз ҳам, қадар де-
ган сирнинг ичида бир нафас кейин нима бўлишини
билмайсиз-ку, тўғрими?

Бас, йўл ҳам қадар каби минглаб йўналишлар тақдим
этади. Ўзимизча режалар тузамиз, аммо бизни нима-
лар кутаётганини билмаймиз.

Менда ҳам ҳар доим шунақа бўлади. Жавоб бериш-
дан қочган саволларнинг жавобларини ҳеч билмаган
шаҳарларда, танимаган инсонлардан билиб оламан.
Минг қочмай, барибир ўша саволлар рўпарамдан
чиқаверади. Барибир бораман саволларимга. Эсин-
гизда бўлса, аввал ҳам айтгандим: Инсон дардидан
қочса ҳам, ўзидан қочолмайди.

Йўлнинг ўнг томонидан машинани оҳиста ҳайдар
эканман, бироз олдин содир бўлган ва шукрки, ҳеч
кимга ҳеч нарса қилмаган воқеанинг руҳий таъсири-

¹ Оғрик, изтироб.

дан чиқиб кета олганим йўқ. «Бахтсиз ҳодиса билан юзма-юз бўлиш» деганлари том маънода шу бўлса керак. Бироз кеч қолганимда ёки бироз тез ҳайдаганимда, аввал ҳеч келмаганим нотаниш бир шаҳарда нотаниш бир инсоннинг ўлимига сабабчи бўлардим. Аллоҳ сақлади. Шукрлар бўлсин!

- Йўлга чиқаётганда садақа берганмидик? - дедим ён ўриндиқда сокин, аммо атрофни қизиқиш билан кузатиб кетаётган Салимга қараб.

- Ҳмм... ака, ҳам шошилишда, ҳам қоронғида чиққанамиз учун ёдимдан кўтарилибди. Йўлда ҳал қилармиз деб ўйлагандим, аммо...

- Бу ишга сен масъул эдинг. Ҳар йўлга чиққанамизда садақа берамиз деб келишгандик.

Салим хижолат бўлганидан ҳеч нарса демади. Нима қилишини билмай машинанинг тепасидаги ойнада осилиб турган тасбеҳни тузатди ва машинанинг ўнг томонидаги нарсалар турадиган бардачокдан нималарнидир қидирган бўлди.

- Ҳа, майли. Илк тўхтаган жойимизда садақа бериш эсдан чиқмасин. Унутма!

- Хўп бўлади, ака, - деди. Хижолатдан сал қутулди, шекилли: - Бироз аввал нима бўлганини айтиб бермайсизми? - деди.

- Дарҳақиқат, бу қанақа уйқу бўлди? Қанақасига уйғонмадинг?

- Кеча яхши ухлолмагандим. Алиф қизим иситмалаб чиқди. Ухлатмади. Йўл бўйи машина ҳайдаганимга чарчаб қотиб қолибман, ака!

- Ҳа, ман, ш
чиқиб
лоҳга
экан.
Ўзини
айтди.
лар ер
ни ма
айтди.

- Нон

- Ҳа, п
учун й
таркан
дилар
йиб эд

- Ним

- Эже

- Эже

- Мен
ҳам Э

- Ғала
юз бер

- Тўғри
дедим

- Хўп,
рарми
йўл қи

- Ҳа, майли! Радиони созлаётгандим. Шунга чалғибман, шекилли, машинанинг рўпарасидан бир одам чиқиб қолди. Охирги паллада тормоз бердим. Аллоҳга шукрки, унга ҳеч нарса қилмади. Ажойиб одам экан. Ғалати-роқ. Ўзи ёш-у, аммо қарига ўхшайди. Ўзини уринтириб қўйган. Ғалати-ғалати гапларни айтди. На менга, на автоуйга эътибор қилди. Одамлар ерга улоқтирган нон увоқларини териб, қушларни машина эзиб кетишидан ҳимоя қилаётганини айтди. Бир нарсалар деди, хуллас.

- Нон ушоқларни тўплади, дедингизми?

- Ҳа, шунақа қилди. Қушлар нон ушоқларини ейиш учун йўлга қўнар экан ва машиналар уларни эзиб кетаркан. «Бу инсонлар нима учун неъматни ерга отадилар-а?!» - деб йўлида давом этди. Исми ҳам ажойиб эди.

- Нима эди?!

- Эжевит...

- Эжевитми?

- Мен ҳам худди шундай ҳайратда қолдим. Ростдан ҳам Эжевит экан.

- Ғалати экан ҳақиқатан. Аллоҳга шукрки, фалокат юз бермабди.

- Тўғри айтасан. Лекин садақа муҳим нарса, Салим, - дедим кўзларим билан унга танбех бергандек қараб.

- Хўп, ака! Қаранг, балки, ҳозироқ садақамизни берармиз, - деди кўрсатгич бармоғи билан олдинроқда йўл қирғоғида турган амакини кўрсатиб. - Қаранг,

анави қари амаки машина тўхтатишга ҳаракат қил-
япти. Йўлда қолиб кетибди. Амакини олайлик ва
манзилига элиб қўяйлик.

Дарров ўнг томонлаб юрдим. Етмиш ёшлардаги узун
соқолли, дўппили бир амаки йўл чеккасида қўлидаги
ҳассасига суянганча турганди. Унга қараб секинлага-
нимиз учун у ҳам биз томонга яқинлашди.

- Ассалому алайкум, отахон, - деб салом берди Са-
лим ойнани очиб.

- Ва алайкум ассалом, - деб жавоб берди бизга анча
яқинлашиб қолган амаки.

- Шу пайтда қаерга кетяпсиз, отахон?!

- Сизлар қаерга кетяпсизлар?

- Боябатга.

- Мен ҳам ўша томонга кетяпман, - деди ва ҳеч қан-
дай таклифни ҳам кутмасдан орқадаги суриб очи-
ладиган эшикни очди ва автоуйга ўтирди. Юзимга
табассум югурди. Шунақа одамларни яхши кўра-
ман. Жасоратли, қўрқмас, ичи ҳам, таши ҳам бир
хил.

Машинага чиқар-чиқмас: «Қани, ҳайда», деди. Мен
ҳам ҳайдадим. Хатти-ҳаракатларидан бироз дали-ғу-
ли одамга ўхшади.

- Хуш, келибсиз отахон, - дедим автоуйнинг олд ой-
насидан қараб.

Юзи нурли эди. Онадўли инсонларига хос ўша сод-
далиқ, чапанилик, беғуборлик шундоқ суратида акс

этиб ту
отланиш

- Хуш к
билан қ
нами, би

Отахон

- Отахо
шина де
га ўтиб у

- Зўр на

- Куним

- Кимсиз
ласи бўл

- Отахон
миз, - де

- Ие, меҳ
қиласизл

- Йўқ, ам
ни сурати

- Иншаал

- Эрталаб

- Бугун б
ли чиқиб
кармоним
лишим б
қайтмоқч

этиб турарди. Дуо қилди. Онадўли инсони сафарга отланишдан аввал доим дуо қилади-да!

- Хуш кўрдик, - деди автоуйнинг орқасига диққат билан қараб. - Бу қанақа машина ўзи?! Уйми, машинами, билиб бўлмайди-ю, - деди.

Отахоннинг гапи ёқди. Салим қотиб кулди.

- Отахон, бунинг исми автоуй. Орқаси уй, олди машина деса ҳам бўлади. Чарчасак, навбатлашиб орқага ўтиб ухлаб оламиз.

- Зўр нарса экан-ку, - деди.

- Кунимизга яраяпти, амаки!

- Кимсизлар? Қайси маҳалладансизлар? Кимнинг боласи бўласизлар?

- Отахон, биз бу ерлик эмасмиз. Истанбулдан келямиз, - деди Салим суҳбатга қўшилиб.

- Ие, меҳмон экансизлар! Хуш келибсизлар. Нима иш қиласизлар? Айланишга келдингларми?

- Йўқ, амаки! Иш билан келдик. Бир неча кун атрофни сураб олиб, қайтамиз, - дедим.

- Иншааллоҳ, - деди.

- Эрталабдан бу ерда нима қиляпсиз?

- Бугун бу ерда бозор куни. Намоздан кейин вақт-ли чиқиб, бозорга борайин дедим. Қарилик курсин, кармонимни уйда қолдирибман. Унутганимни билишим билан йўналишли таксидан тушиб, орқага қайтмоқчи эдим. Аллоҳ сизларни рўпара қилди.

- Тасодифни қаранг, - деб орага суқилди Салим.

- Тасодиф эмас, Аллоҳ рўпара қилди, - деди отахон тиниқ оҳангда.

Кейин бирдан: «Ҳа, шу ердан ўнгга киринг», деди. Мен ҳам худди буйруқ олган кишидек айтганини қилдим. Бир неча юз метр юргач: «Энди шу ердан чапга», деди. Мажбур бурилдим. Қишлоқ гузарига келдик. Бироз юргач: «Бўлди, мана шу ер яхши. Шу ерда тўхтатинглар», деди.

Машина эшигини қийналиб бўлса ҳам очди. Кейин ҳеч нарса демасдан тушди. Эшикни ёпиб, бир неча қадам юрди, кейин қайтиб келиб:

- Нима қилиб ўтирибсизлар, тушинглар машинадан, - деди.

- Нимага, амаки? - дедим таажжуб билан.

- Тушсанглар-чи! Бир пиёла чой бермай юборайми сизларни?! Асло, чой ичмасдан кетмайсизлар, - деганида, Салим билан кўз уриштириб олдик.

Аслида, буйруқ беришларини ёқтирмасдим, аммо нима бўлди-ю отахоннинг буйруғига қулоқ солдим. Салимга «тушамиз» дегандек ишора қилдим.

Машинадан тушдик. Сал нарироқдаги қишлоқ қаҳвахонасига отахоннинг ортидан кириб бордик. Эрталаб бўлишига қарамай, қаҳвахонада камида ўн-ўн беш киши ўтирганди. Ҳайратда қолдим.

- Бугун бозор дегандим-ку, бу ердагилар ҳаммаси йўналишли такси кутяпти, - деди худди фикримни ўқигандек.

От
ки
Би
ши
яни
ган
Би
биз
қўй
лат
га
- Б
кел
хур
ру
- С
- П
эка
- У
га
син
Шу
эка
қи
ода
- Бў
Ҳай
кар
да,

Отахон ҳаммага салом бериб, бироз олдиндаги икки киши ўтирган стол ёнидаги бўш ўриндиққа ўтирди. Биз ҳам отахоннинг ёнига ўтирдик. Чойхона жуда шинам ва гўзал эди. Стулларда ўтирган отахонлар, янги ва хушбўй чойнинг ифори, радиодан янграётган тонгги хабарларнинг овози ва печканинг иссиғи...

Бироз ўтиб чойхоначи қўлида уч финжон чой билан бизнинг столга қараб келди. Олдимизга чойларни қўйиб: «Хуш келибсиз», дегандек бошини қимирлатди. Кейин эса бизни бу ерга олиб келган отахонга қаради.

- Булар меҳмонлар! Суратга олиш учун Истанбулдан келишибди, - деди. Отахоннинг овозида худди машхур ва муҳим инсонларни меҳмон қилаётгандек ғурур бор эди.

- Суратми? - деб сўради чойхоначи.

- Шунақа экан, - деди қари отахон чойини хўплар экан.

- Ундай бўлса, бизнинг мана бу **Хайдарни** ҳам суратга олсинлар, Истанбулдагилар ҳақиқий **ўйинчи** кўрсин, - деди кулиб.

Шунда ёнимизда ўтирган одамнинг исми Хайдар эканини билиб олдик. Дарҳақиқат, бу одамнинг ташқи қиёфаси бошқача эди. Бу ердагиларнинг бари бу одам билан шунақа ҳазиллашар экан.

- Бўлди, қўйсанг-чи бемаъни ҳазилларингни, Мусо! Хайдарнинг жаҳлини чиқарма. Сен ўғлингга айт, кармонимни уйда қолдирибман. Бизникига борсинда, **Фотима** холасидан кармонимни олиб келсин.

- Хўп, нимага жаҳлинг чиқади? Ҳазиллашиб ҳам бўлмайди-е, - деган чойхоначи «Юсуф» деб ўғлини чақирди. Қовоғини солганча нари кетди.

- Мен жуда кўп жойларга сафар қилганман, - деди бизни чойхонага олиб келган отахон.

- Қандай қилиб? - дедим.

- Сизларга ўхшаб мен ҳам йўлда кўп юрдим! Сафарларга чиқдим. Умримнинг кўп қисми мусофирчиликда ўтди. Истанбулдаги Тўпқопида узоқ йиллар ишладим. Кейин Германияга кетдим. У ерда ўн йил қолдим. Лекин барибир бегона юрт-да! Тўғри, яхши пул топдим, аммо барибир Ватанга қайтдим. Ғурбатда осон эмас. Қийналдим. Ўшанда англадимки, кетган мен билан келган мен бир хил эмас эдик. Ўйлаб қарасам, ўзгарган мен эмас эканман. Аслида, қолганга қийин экан, аслида, улар ўзгарар экан. Ҳеч нарса, ҳеч ким сиз қолдиргандек турмас экан.

Амакининг дарди тўлиб кетган, шекилли, тўхтамай гапира бошлади. Отахоннинг гаплари шунчаки айтилган гаплар эмас эди. Орқасида катта тажриба ва ўқилган китоблар бор эди. Лекин эски хотиралари билан ўртоқлашгани учун биров хижолат тортгандек бўлди.

- Ҳа, майли. Йўлдагиларни кўрсам, мусофирчиликдаги ҳаётим эсимга тушса, жағим очилиб кетади-да!

- Йўқ, ундай деманг, отахон. Бу бир суҳбат-да, - дедим чойимдан бир қултум ичиб.

Шунда йўлда машинамизнинг олдидан чиққан ғалатиноқ одам эсимга тушиб қолди. Сўрасам қанақа

бўлар э
радим:

- Йўлда
шув бў

- Ҳа, Э

- Ҳа, и

- Бу то

- Ким

хонада

жонид

рига ч

тушун

- Ана,

отахон

- Мен

ку, - д

- Кей

суҳбат

кетди.

- Ота

ҳам б

- Ҳож

сасига

Бирда

лади.

Ғалат

мажбу

бўлар экан, айб бўлмайдимми, деб ўйлаб, барибир сўрадим:

- Йўлда бир кишига дуч келдик. Кутилмаган учрашув бўлди ўзиям. Йўл бўйида шунчаки турганди.

- Ҳа, Эжевит-ку!

- Ҳа, исми шунақа, Эжевит эди. Танийсизми?!

- Бу томонларда уни ҳамма танийди.

- Ким у?! Йўл бўйида нима қилади? - дегандим, чойхонада бирдан ғала-ғовур бошланди. Одамлар финжонида қолган охирги қултум чойини ичиб ташқарига чиқа бошлашди. Бошида нима бўлаётганини тушуна олмадим. Кейин тушундим.

- Ана, йўналишли такси келди, - деб ўрнидан турди отахон.

- Менга Эжевит ҳақида гапириб бермоқчи эдингиз-ку, - дедим.

- Кейин айтиб бераман. Эртага ҳам келинглар. Ҳам суҳбат қиламиз, ҳам чой ичамиз, - деди ва тез юриб кетди.

- Отахон, - деб чақирдим орқасидан: - Исмингизни ҳам билмайман, қандай топаман сизни?

- Ҳожи Умар десангиз, ҳамма танийди, - деди ва ҳасасига таянганча қаҳвахонани тарк этди.

Бирдан қаҳвахона бўшаб қолди. Ғалати сукунат эгаллади. Ичкарида мен, Салим ва чойхоначи қолдик. Ғалати ҳис эди. Қўлимиздаги чойларни тугатгунча мажбур ўтирдик.

Амакининг ортидан қараб қолдим. Миямда Эже-
витнинг ҳикояси... Нима, ким деган ғалати қизиқиш
пайдо бўлди. Менинг бир ёмон феълим бор. Жуда
қизиқувчанман. Айниқса, мана шунақа воқеаларга.

Қаҳвахонада сукунат ҳукмрон, ҳали ҳам чой ифори
келяпти. Салим менга қаради, радиода хабарлар ту-
гаган, бир қўшиқ янграётганди:

*Бу қандай дарддир, дармони йўқ,
Баданимда эмас, руҳимда сизи.*

Эже-
иқиш
Жуда
арга.
фори
ар ту-

Бир тўфон тутди бизни,
Денгизга қорди.
Бизнинг қовушишимиз, ёрим,
Маҳшарга қолди.

- Сизнинг исмингиз нима эди, болам?

- Исмин Аҳмад, отахон!

- Ҳа, Аҳмад эди, айтгандингиз.

Кейин биров тўхтади. Ниманидир кутаётгандек
жим турди. Бошида тушунмадим, отахон менга бош-
дан оёқ сарасоб солди. Салимга ҳам назар ташлади.
Менимча, унга дарров баҳо берган кўринади. Бу ерда
баҳо бериш ва тушуниш қийин бўлган мен эдим.
Мавҳум ва сирли шахс эдим.

Буни билардим. Мен ҳозир шунақа бўлиб қолмаган-
ман, болалигимдан бери шунақаман. Тўғрироғи, да-
дам вафот этгандан бери... Ўша кундан бери ҳамма
билан ҳамма нарсани гаплашишни ташладим. Сукут
сақлаш ва ичимда ўзим билан гаплашишнинг зарар-
сизроқ эканини англадим. Одамларга ўзимни ош-
кор қилмаслик кераклигини англадим ва ўз ичимга
яшириндим. Чунки одамлар сизнинг ожиз, кучсиз
томонларингиздан, ҳассос жиҳатларингиздан хабар

топишса, бир кун келиб ўша жойингизга зарба беришади. Ҳассос юраклилар учун бундай дунёда яшаш жуда оғир ва азиятли. Ўша куни баданимни ўзимга совут қилишга қарор қилдим. Уддасидан чиқдимми, йўқми, бирор нарса деёлмайман.

Умар амаки ҳали ҳам менга зимдан қараб турибди. Мен бир қарашда хулоса қилса бўладиган одамлардан эмасдим, аммо Умар амаки инсонларни бир қарашда англай оладиганлардан эди. Ҳозир бўлмаса ҳам, зеҳнимда яширинган нарсаларни билиб олиши узоққа бормаслиги тайин эди.

Бироз ўтиб қўлида патнис кўтарган қари бир кампир оқсоқлана-оқсоқлана хонага кирди.

- Хуш келибсиз, болаларим, - деди Салим билан менга қараб ва бир қўли билан юзидаги ниқобини тўғрилади. Умар амакининг хотини бўлса керак.

- Хуш кўрдик. Сизни ҳам овора қилиб қўйдик, хола, - дедим.

- Овораси бормикан!.. Меҳмон ризқдир, баракадир.

- Барака топ, Фотима хоним, - деб табассум қилди Умар амаки. Бу табассум оддий табассум эмас эди. Жуда самимий ва маъноли эди.

Кеча қаҳвахонадан чиққандан кейин шомгача айланиб юрдик. Суратини олиш учун дафтарчамга ёзиб қўйган жойларнинг деярли ҳаммасига бордик. Ишимизнинг асосий қисмини тугатдик деса ҳам бўлади. Ярим кунлик ишимиз қолди холос.

Аввал Боябат қалъасига бордик. Ҳам қалъанинг, ҳам қалъадан туриб шаҳарнинг расмини олдик. Кейин

шаҳа
олди
аммо
кечд
олди

Авто
га т
ёдим
сида

Кейн
лим
Шов
таш

ҳиди
ҳисл
этад
дига
Дар
қол

«Чи
шув
май
ган,
қил
наро

Хаё
ган.
ёлғи
осмо
рити

шаҳарга тушиб, тарихий Боябат уйларини суратга олдим. Водийга, қоя мазорларига бормоқчи эдик, аммо қош қорайиб қолгани учун бу фикрдан воз кечдик. Шаҳар ва қалъанинг тунги жиросини расмга олдик ва қоя мазорларини эртанги кунга қолдирдик.

Автоуйни шаҳар ташқарисидаги сокин бир жойга тўхтатиб, тунни ўтказдик. Лекин менинг фикр-ўёдим Умар амаки ва унинг Эжевит ҳақидаги ҳикоясида эди. Нима қилмайин, кўзимга уйқу илинмади.

Кейин бир нарсани унутганимни ҳис қилдим. Салимнинг ухлаганига амин бўлгач, ўрнимдан турдим. Шовқин чиқармасликка уриниб курткамни кийиб, ташқарига чиқдим. Ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос ҳиди бўлади. Буни жуда яхши биламан. Айниқса, бу ҳислар ярим кечаси ҳамма ухлаганда ўзини ошкор этади. Осмонга қараб, катта шаҳарларда топилмайдиган, кўринмайдиган юлдузларни томоша қилдим. Дарҳақиқат, шаҳар осмонидаги юлдузлар қаерга йўқолиб қолади?!

«Чироқлар. Катта шаҳарларда чироқлар, ёритгичлар шунақанги кўпки, шунинг учун юлдузлар кўринмайди», дейишади айрим билагонлар. Ўзимиз ясаган, сохта чироқларимиз ҳақиқий чироқларни йўқ қилаётган эмиш. Ё кўзимизни кўр қияпти, ё бошқа нарса. Қайси бири бўлса ҳам-да!

Хаёлимда минглаб хотиралар; кўпи мазорга кўмилган. Инсон туннинг алламаҳалида, бегона шаҳарда ёлғиз ўзи, шунчаки ташқарида туриб юлдузлар тўла осмонни томоша қилар экан, нима учун жонини огритган хотираларни эсласин!?

Сабабини билмайман, аммо аминманки, инсон ярим кечаси ёлғиз бўлганидагина ўзи билан қола олади. Яъни туннинг зулмати инсонни ўзига келтиради. Шунинг учун кундуздан кўра тунни яхши кўраман.

Менинг уйқуларим ҳар доим узук-юлуқ. Уйқуга ётиб, эрталаб турадиганлардан эмасман. Ҳеч ундай бўлмаган. Болалигимдан бери ярим кечаси бир уйғониб оламан. Бошида қўрқиб онамнинг ёнига бориб ётиб олардим. Кейинчалик ўрганиб қолдим ва туннинг қўрқинчли нарса эмаслигини билдим. Онам чақалоқлигимда ҳам шунақа эканимни айтарди. Тунлари онамга тинчлик бермас эканман. Қачон кўзини очса, мени уйғоқ ҳолда кўраркан. Нимага бундай билмадим, лекин бу ҳолат менга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди. Бу мен учун қандайдир нуқсон ёки камчилик эмас. Оз ухлаш ва кам гапиришнинг бебаҳо зийнат эканини ўқигандим бир жойда. Умрим бўйи бу ҳолатнинг ҳеч қандай зарарини кўрмадим. Аммо гоҳида чарчоқдан кутилмаган пайтда, кутилмаган жойда ухлаб қоламан.

Бувамдан мерос қолган нарсалардан бири шу бўлса керак.

Қолган яқинларимнинг қанақа бўлганини яхши билмайман. Бироқ бувам ҳам худди мендек эди. Тунни яхши кўрарди. Ҳали бола эканимда, бувам ва бувим бизнинг уйда яшаган вақтлари, ҳар куни ярим кечаси уйғонганимда бувамнинг ҳам уйғоқ эканини кўрардим.

Ярим кечаси, соат неча бўлишидан қатъи назар, уйғониб хонамдан чиққанимда бир пичирлаш эши-

тарди
секин
доим
намо:
ўтир:
қила:
Одам
вол б
Мени
дин н
ҳинг

Леки
Ўзга
бува
Қия
рини
Амм
англ
қила
эди.
раси
худд
очи
ишс
ди.

Қай
бос
сиб
чиқ
эши
ним
Хон

тардим ва изқувар каби овоз келган томонга қараб секин-секин қадам босардим. Ўша овоз мени ҳар доим бувамга олиб борарди. Доим хонасида жойнамоз устида намоз ўқиётган бўларди ёки тиззалаб ўтирарди. Кўзларини юмиб, қўлларини очиб дуо қиларди. Баъзида дуоסי жуда узок давом этарди. Одам нима учун бунчалар кўп дуо қилади, деб савол берардим ўзимга. Бу ҳақида қаттиқ ўйлардим. Менинг дуоларим қисқа эди ва одатда ётишдан олдин қилардим: Аллоҳим, ота-онамни, мени Ўз панохингда асра...

Лекин бувамнинг дуолари бошқача эди, албатта. Ўзгача дуо эди. Ана шундай кечалардан бирида яна бувамнинг овозини эшитдим. Хонасигача бордим. Қия очик эшикдан уни кузатдим. Уни яна тиззаларини буккан, қўлларини дуога очган ҳолда кўрдим. Аммо бу сафар йиғлаётганди. Нимага йиғлаганини англай олмадим. Кичкина эдим. Кимнингдир дуо қилаётиб йиғлаганини биринчи марта кўришим эди. Кўзлари юмуқ ва қўллари билан худди рўпарасида кимдир бордек гапираётганди. Ўзида эмас, худди бир танишига дардини айтгандек қўлини бир очиб, бир ёпиб, бармоқлари билан нималаргадир ишора қилаётганди. Қўрқмадим десам, ёлғон бўлади. Чунки нима бўлаётганини тушунмадим.

Қайтиб хонамга кетмоқчи бўлдим. Бир неча қадам босганимни биламан, тасодифан бир нарсани босиб олдим. Ўйинчоқ экан. Ўйинчоқдан баланд овоз чиқди. Сокин туннинг бу пайтида бувам яхшигина эшитадиган даражадаги бир овоз эди. Қўлга тушганимни ҳис қилдим. Турган жойимда қотиб қолдим. Хонамга қочиш учун энди кеч эди. Бувамнинг пи-

чирлаш аралаш мени чақирганини эшитдим. Ўзим-
ни айб иш устида қўлга тушган одамдек ҳис қилдим.

- Аҳмад, кел, ўғлим, кел, - деганини эшитдим.

Тортинганча бувамнинг ёнига бордим.

- Ҳалиги, бува! Мен ухламадим-да, - дедим бувам
тиззалаб ўтирган жойнамоzнинг бир бурчагига тур-
ганча.

Бувам менга табассум билан боқди.

- Ҳа, майли, - деди. Қўли билан ёнига ўтиришимни
ишора қилди.

Дарров ўтирдим.

- Мен ҳам баъзида ухлай олмайман, - деди бошимни
силаб.- Шундай пайт ўрнимдан туриб, намоз ўқий-
ман, дуо-илтижо қиламан.

Бироз жасорат топдим, шекилли:

- Лекин мен кўрганимда худди бир нималарни ту-
шунтираётгандек эдингиз, бува, - дедим.

- Тўғри, болам! Бир нималар деётгандим. Дардимни,
аламларимни, истакларимни, хафа бўлган ҳолатла-
римни, қилмоқчи бўлганларимни, ҳамма-ҳаммасини
айтиб дуо қилаётгандим.

- Дардингизни кимга айтяпсиз?- дедим болаларча
соддалик билан.

- Аллоҳга, - деди.

Таажжубландим.

- Шун

Кулди

- Бўл

Билм

- Алб

сани.

ни А

дуо б

- Ал

дим

- Ун

- Ду

- Н

Тўғ

- М

дан

Бу

қу

- У

қа

Ўг

йи

ҳа

сў

и

- Шунақа қилса бўладими? - дедим.

Кулди.

- Бўлмайдими? - деди.

Билмайман дегандек лабларимни буруштирдим.

- Албатта бўлади, болам. Инсон ичидаги ҳамма нарсани, ҳамма истакларини, нимадан дард чекаётганини Аллоҳдан сўраб дуо қилса, дарҳақиқат, дуолари дуо бўлади.

- Аллоҳ ростдан ҳам бизларни эшитадими, тинглайдими?

- Унга дардингни айтсанг, ҳаммасини тинглайди.

- Дуода ҳамма нарсани сўраса бўладими?!

- Нимага бўлмас экан, албатта бўлади, - деди.

Тўғри. Нимага сўралмасин. Албатта, сўралади.

- Масалан, мен бир фотоаппарат истайман. Аллоҳдан шуни ҳам сўраса бўладими?

Бу гапим бувамга жуда ёқди, шекилли, бирдан кулиб қучоқлаб олди.

- Ҳамма нарсаси сўраса бўлади. Ҳатто ҳамма нарсаси фақатгина Ундан сўралади.

Ўша пайтда бола эдим. Тўлиқ тушунолмагандим. Кейинчалик барчасини тушуниб етдим. Ундан кейин ҳам истайдиганим ҳамма нарсани фақатгина Ундан сўрадим. Ҳаммасига эришдим деёлмайман, аммо ижобат бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, Ундан тиладим.

Ярим тунда мана шуларни ўйлар эканман, ташқарида қанча қолиб кетдим, билолмадим. Совқотганимни ҳис қилгач, яна аста автоуйга кирдим. Ётоғимнинг ёнидаги қулфли жавонни очдим. У ерда турган эски фотоаппаратимни чиқардим ва тайёрладим. Ҳа, бу ўша аппарат эди. Ўша тун илк маротаба дуомда: «Аллоҳим! Бир фотоаппарат беришингни истайман», дегандим. Бу менинг илк фотоаппаратим эди. Дадамнинг, бувамнинг, дўстларим ва яқинларимнинг уч байрамда берган ҳайитликларини тўплаб, ҳаяжон билан бориб олган фотоаппаратим.

Бу фотоаппаратда биринчи бўлиб бувамни расмга туширган эдим. Кейин дадам, онам ва Алифнинг расмини олгандим... Дуом қабул бўлганди. Аллоҳ мени эшитди ва тинглади. Дуоларимга жавоб берди. Мен ҳам ўша кундан кейин ҳар доим бувам каби дуоилтижо қилдим.

Бу фотоаппарат мен учун жуда қадрли. Бу фотоаппарат ҳам, унда олинган расмлар ҳам қадрли. Ҳар борган шаҳримда ҳаётимда из қолдиришига ишонган инсонларнинг расмларини мана шу аппаратда олардим ва қоғозга босиб асрардим. Ҳозир ҳам худди шунинг тайёргарлигини қиляпман. Кўрамиз, бу гал кимнинг ҳақиқий суратлари мен учун бу шаҳардан эсдалик сифатида қолади?



Эрталаб бироз уялиб бўлса-да ўша қишлоқ қаҳвахонасига бориб, қаҳвачидан: «Ҳожи Умарнинг уйи

қаерда?»
келдик.

Умар ам:
Мени кў

- Келиш

Мўъжаз
ҳовлиси
ота мен
нимни б
бошқа де

- Ҳеч му
кутилма

Бу савол
дан бунд
билмай,

- Ҳа, бо

Сезганд

- Ишқ с
бўлмабд

- Буни қ
ҳар дои
гапга су

- Сен би
сан. Юз
гинч бо
дек бўли

қаерда?» деб сўраб, таъриф қилинган манзилга келдик.

Умар амаки ҳақиқатан ҳам бизни кутаётган экан. Мени кўрар-кормас:

- Келишингизни билардим, чой ҳам тайёр, - деди.

Мўъжазгина, шинамгина, аммо жуда эски уйининг ҳовлисидаги ўриндиққа ўтирдик. Ўша заҳоти Умар ота менга бошдан оёқ разм сола бошлади. Ким эканимни билишга уринаётганди. Бир-икки жумладан бошқа деярли ҳеч нарса сўрамаганди. Аммо:

- Ҳеч муҳаббат савдосига дучор бўлганмисиз? - деб кутилмаган савол бериб қолди.

Бу савол қаердан чиқди? Нимага туриб-туриб бирдан бундай савол берди?! Бир муддат нима дейишни билмай, сукут сақладим.

- Ҳа, бошингга ишқ савдоси тушибди, - деди.

Сезганди.

- Ишқ савдосига тушибсан, бироқ қовушиш насиб бўлмабди.

- Буни қаердан билдингиз, отахон? - деб таажжуб ва ҳар доимги пойинтар-сойинтар ҳаракатлари билан гапга суқилди Салим.

- Сен бирор марта ҳам дўстингнинг кўзига қарамабсан. Юзига назар солмабсан. Бу юзда дард-алам, соғинч бор-ку, - деди Салимга биров дашном бергандек бўлиб.

Салим бироз уялди. Аммо буни билдирмаслик учун нимадир қилишга мажбурлигидан чойидан бир қултум ичди.

- Бу одамнинг кўзида, юзида, овозида соғинч бор.

Ростдан ҳам шунақа эдими? Ҳақиқатан мен шунақаманми? Мен доим ҳисларимни яшириб келдим, яшира олдим деб ўйлагандим. Ҳали ҳам ўша соғинчни ўзим билан олиб юрганимни биламан, лекин бу ташқаридан билинмайди, деб ўйлагандим.

Бу одамга нисбатан ичимда бир илиқлик, яқинлик ҳисси уйғонди. Анчадан кейин ҳақиқатан кимдир мени ҳам кўра олганини ҳис қилдим. Сизни ҳеч ким танимайдиган, таниб олиши қийин бўлган жойда юрганингизда бирдан дўстингиз сизни кўриб қолиб, исмингиз билан чақиради ва бағоят севиниб кетасиз-ку, бу ҳис худди шунга ўхшайди. Шунча оломоннинг ичида аввалига бир соя эдингиз, бирдан «кимдир»га айланасиз. Бу - мана шундай ҳолат.

- Аллоҳ қовуштиради, насиб қилса, Аҳмад болам, - деди.

- Охиратда, насиб қилса, отахон, - дедим ичимдаги бир нарсаларимни юлиб олиб унга бераётгандек. Бир қўшиқ зеҳнимда айлана бошлади. Қўшиқ охиратга қолган дийдорлар ҳақида эди.

- Жаннатда, иншааллоҳ, - деди худди ичимдан кўпоририлган ҳисни олиб, қабул қилганини кўрсатиб, яраларимга малҳам сургандек. Кўзимнинг ич-ичига қараб табассум қилди.

- Ҳа, м
ни айт

Тушун
йимиз
риши

Фотим
келди.
меҳмо
билан

- Эже
Эжеви

- У ма

- Айтд
ниси э
мотни

- Жин
риб. -
жинни
ҳам би
қотган
кўнгли
ни жи

Салим
одамде
этмади
дим:

- Йўқ,

- Ҳа, майли. Ундай бўлса кечаги гапимнинг давоми-
ни айтай. Шунда англаб оласиз.

Тушуниб етаманми, билмайман, аммо йўлда автоу-
йимиз олдидан чиқиб қолган йигит ҳақида айтиб бе-
ришини жуда истаётгандим.

Фотима хола қўлидаги косачалари билан яна кириб
келди. Идишда финдиқ бор эди. Демак, бу оила учун
меҳмон келиши қувончли воқеа экан. Табассумимиз
билан ташаккур айтган бўлдик.

- Эжевит, - дедим. - Ким ўзи у? Ҳақиқатан ҳам исми
Эжевитми? - деб қўшиб қўйдим.

- У мана шу ерларнинг девонасидир.

- Айтдим-ку сизга, кўрдингизми, қишлоқнинг жин-
ниси экан, - деб худди ҳеч ким билмайдиган маълу-
мотни айтгандек яна гапга аралашди Салим.

- Жинни эмас, - деди Умар амаки қошларини чими-
риб. - Девона, - деб алоҳида таъкидлади. - Девона ва
жинни бир хил тушунча эмас. Девона ва жиннилар
ҳам бир эмас. Тўғри, ҳар иккаласига ҳам ақлини йў-
қотган, дейишади. Аммо ақлдан озганларни жинни,
кўнглини топганларни девона дейишади. **Ошиқлар-
ни жинни деган одамда ақл йўқдир.**

Салим бу танбехдан кейин оғзига талқон солган
одамдек жим бўлиб қолди. Бироқ бу ҳол узоқ давом
этмади. Вазиятни тўғрилаш учун дарҳол гап бошла-
дим:

- Йўқ, асло ундай ўйламадим.

- Тўхтанг, бошидан айтиб берай, - деб чойидан яна бир қултум ичди ва давом этди. - Қораўғлон, яъни Булент Эжевит бош вазирлигида Кипрда тўполонлар бошланди. Румлар¹ у ердаги туркларга зулм қилишди, уларни Кипрдан ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қилишди. Юнонистоннинг ёрдами билан у ердаги кўплаб турк-мусулмонларни ўлдиришди. Вазият шундай оғирлашдики, Туркия Кипрдаги қардош биродарларга ёрдам бериши, нимадир қилиши керак эди. Туркияда халқ Кипрдаги мазлум қардошларнинг дарди билан ёнди, қўлидан нима келса, қилишни хоҳлади. Мана шундай вазиятда давлат Кипрга ҳарбий сафарбарлик бошлади ва аскарларимиз оролга кетишди. Қардошларимиз золимларнинг қўлидан қутқарилди. Аммо охириги зарбани бериш учун яна бир сафарбарлик бошланди. Қораўғлон буйруқни паролли ва махфий бир хат билан қўмондонларга етказди. Ўша даврдаги қўмондонлардан бирининг қизининг исми Ойша экан, пароль шундай бўлди. Сафарбарлик амрининг пароли «Ойша таътилга чиқсин» эди.

Ушбу иккинчи ҳаракат ҳам Аллоҳнинг инояти билан муваффақиятли бўлди. У ердаги қардошларимиз Кипрнинг шимолига жойлашиб, ватанларини тарк этмайдиган бўлишди.

Ушбу ғалаба ҳам Туркияда ҳамда дунёда овоза бўлди. Ҳамма томонда байрам бошланди. Ўтмишда бўлгани каби, аскарларимиз Ватан тупроғини душманга асло бериб қўймасликларини кўрсатиб қўйишди.

1 Келиб чиқиши юнон бўлганларга берилган исм.

Шунинг учун ўша йили туғилган ўғил болаларнинг исми Қораўғлон бўлди. Булент исми ҳам кўп эди. Шу билан бирга, Эжевит исми ҳам жуда кўп қўйилди.

Бас, бизнинг Эжевитнинг исми ҳам ўша йиллардан эсдалик бўлиб қолди. Умар амаки чойидан бир култур хўплади. Жуда ажойиб ҳикоя эди. Тўғриси, бошида буларни нега айтяпти, Кипрнинг нима алоқаси бор деб ўйлагандим. Яъни мен танишган бир девона одам ҳақида савол бергандим, отахон бўлса сиёсий тарих ҳақида гапириб кетди деган фикрда эдим. Лекин ҳикоя йўналиши бошқа томонга ўзгарди.

- Ҳали сўрадингиз-ку исми нима учун Эжевит деб. Сиз танишган одамнинг исми шунинг учун Эжевит.

- Ҳақиқатдан ажойиб тарихи бор экан. Яъни энг камида исмининг ҳикояси шундай экан.

- Шунақа. «Ҳикояси, тарихи бўлмаган ҳеч бир нарса йўқ», деган гап айтди неварам бир неча кун аввал. Ҳозир Бурсада ўқияпти. Амир Султон ҳақида бир китоб ўқибди-да, ўша ерда шундай ёзилган экан. Февралда қишки таътилга келганида ўша китобни менга ҳам ўқиб беради, - деди отахон.

Чиройли жумла экан. Тўғри гап. Дунёда нимаики бўлса, барчасининг ўз ҳикояси бор ва бўлиши ҳам керак. Лекин бу ғалати ҳикоя эди.

- Ҳўш, кейин нима бўлибди, амаки?! Эжевитни айт-япман. Исмининг тарихини билиб олдик. Ўзининг ҳикояси қанақа? Яъни унга нима бўлган? Нимага бу

аҳволда? Қандай қилиб бу ҳолга тушибди?! - деди Салим.

Салим яна орага суқилганди, аммо бу сафар кунимга яради. Чунки менда ҳам худди шундай савол бор эди.

- Сен сабрсизсан, кўриниб турибди, - деди Умар амаки кулиб.

Салим ҳам кулди бу сафар. Менинг фикр-у хаёлим Умар амакининг нима дейишида эди.

- Сенинг исминг нима эди? - деди Салимга қараб.

- Салим.

- Қара, чойларимиз ҳам тугаб қолибди. Сен бориб Фотима холангдан чойнакни олиб кел. Бу масала бизга жуда кўп чой ичиради.

Салимнинг юзидаги табассум бирдан йўқолди, юзи ўзгариб кетди. Нима бўлганини билмай ҳайрон бўлиб менга қаради. Кўзим билан ишора қилгандим, дарров ўрнидан турди. Бироз ўтиб қўлида чойнак билан қайтди ва финжонларимизни тўлдирди.

- Эжевитнинг кўзлари яхши кўрмайди, - деди Умар амаки янги иссиққина чойдан ҳўплар экан. - Болалигида қаттиқ касал бўлган ва узоқ вақт тузалмаган. Оиласи ҳам, камбағаллик, жоҳиллик, нима десангиз денг, докторга олиб бормаганми, пули бўлмаганми, касалликдан кўзларида нуқсон пайдо бўлибди.

Орадан йиллар ўтиб, Эжевит ўн олти-ўн етти ёшларга кирганида, қишлоқда узоқдан бир қизни кўриб қолибди. Кўрар-кўрмас ўша қизга ишқи тушибди. Ошиқ бўлибди. Ўзи ишқ дегани шундай нарса-да.

бирдан пай
пайтингда

У пайтдаги
нинг ҳам
бориб кўр
дан бир ма
сақланард
либди-ю, х

Қулогим У
ичида кез
айтмасли
биламан.

- Қизнинг

- Нима э
олмай. Ум
ўзидан ке

- Ойша...

Тўғри, ўн
қизларга
қулоқлар
учрашти

- Орадан
ишқинин
шадан б
ламас эм
келибди,
Ҳеч ким
кимга ай
тибди.

бирдан пайдо бўлади. Ҳеч кутмаган, ҳеч билмаган пайтингда асир қилади.

У пайтдаги муҳаббатлар ҳам бошқача эди. Севмоқнинг ҳам бир одоби бор эди. Ҳадеганда севган ёр бориб кўрилмас, юзига, кўзига тик қаралмас, узоқдан бир марта кўрай деган илинжда севги кўнгилда сақланарди. Эжевит ҳам ишқ савдосида ёниб, кул бўлибди-ю, ҳеч кимга бу ҳақида сўз очмабди.

Қулоғим Умар амакида, аммо зеҳним ўз хотираларим ичида кезиб юрганди. Севиб айта олмаслик, аслида, айтмасликни афзал кўриш нима эканини жуда яхши биламан.

- Қизнинг исми нима экан, биласизми?!

- Нима экан, амаки? - деди Салим ҳаяжонини боса олмай. Умар амакининг ҳикоясини оғзини ланг очиб, ўзидан кетиб тинглаётганди.

- Ойша...

Тўғри, ўша йили жуда кўп ўғил болаларга Эжевит, қизларга Ойша исми берилган. Тақдир уларни ҳали қулоқларига азон ўқилиб, исмлари пичирлангандаёқ учраштирган эди.

- Орадан ойлар, йиллар ўтибди. Бизнинг Эжевит ишқининг кўйида еб-ичишдан тўхтабди. Кўзи Ойшадан бошқани кўрмас, тили бошқа калом сўйламас эмиш. Эжевитнинг ҳам уйланадиган пайти келибди, уйдагилари уйлантирмоқчи бўлишибди. Ҳеч кимни истамабди. Бироқ муҳаббатини ҳам ҳеч кимга айтмабди. Фақатгина бир марта онасига айтибди.

Онаси хайрли иш деб Ойшага совчиликка борибди. Бироқ қизни беришмабди. Эжевит кўп кутибди. Муҳаббатининг одамлар оғзида чайналишини, ҳамманинг билишини истамабди. Бироқ ишқ савдосидан бағри-дили қон бўлибди. Қаерга борса Ойшани қидирар, ким билан гаплашса Ойшани эшитар, кимга қараса унда муҳаббатини, яъни Ойшани кўрар экан.

Аслида, Ойша билан бирор марта кўришиб, бир оғиз ҳам гаплашишмаган. Ушрашишмаган, гаплашишмаган. Ҳатто Ойшанинг ушбу муҳаббатдан хабари ҳам йўқ экан. «Бир қизни минг киши истайди, бир киши олади» деган гап бор-ку, балки, Эжевитдан келган совчиларни ҳам шулардан бири деб ўйлагандир.

Аммо ундай эмас эди. Эжевит Мажнун каби ишқ оловида ёнаётганди. Бир эслаб кўринг-да, Мажнунга: «Сенинг ишқингдан Лайлининг хабари ҳам йўқ», дейишади. Мажнун бундай дегувчиларга шундай жавоб беради: «Хабари бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, ишқ мени топди. Ошиқ билиниш учун, танилмоқ, севилмоқ учун севмас...»

Эжевит ҳам худди шу қабилда иш тутибди. Ишқ оловида қовурилаверибди. Бир кун қишлоқда хабар тарқалди. Тўй хабари.

- Амаки, илтимос, Ойшанинг тўйи, деманг, - деди Салим овози титраганча.

- Ойша Чангал қишлоғига келин бўлиб кетяпти, деган хабар ёйилди. Ушбу хабар Эжевитнинг ҳам қулоғига етибди. Бошида ишонмабди. «Бўлиши мумкин

эмас», деб ўйлабди. Кейин эса ҳеч гаплашмайдиган бўлиб сукут сақлабди.

Тўй куни бутун қишлоқ ўша ерда экан. Еб-ичишибди, ўйнаб-кулишибди. Аммо ҳеч ким узоқдаги бир тепаликнинг устида орқасини дарахтга суяб тўйни томоша қилган ва кўзёшлари дарё бўлиб оққан Эжевитни сезмабди.

Тўй тугаб, келин томон куёв томонга кетар экан Эжевит ҳам уларнинг ортидан борибди. Мақсади келинни отдан тушириб, жанжал кўтариш, дилхиралик қилиш эмас экан. Узоқдан бўлса ҳам кўришдан умидвор экан. Яланг оёқ юриб келин ва у билан кетаётганларни кузатибди. Чангал қишлоғининг кираверишигача борибди. Келин ва яқинлари кўздан ғойиб бўлар экан, ўзи ва юрагининг тубида яширган муҳаббатига: «Сўз бераман! Сени кутаман!» деб онт ичибди.

Эжевит ўша куни Мажнундек ақлдан озибди. Ақлини муҳаббатига алмашибди. Ўшандан кейин бир неча кун йўқолиб қолибди. Ҳеч ким топа олмабди. Бир неча кун ўтиб уни келин томон энг охирги марта кўринган Чангал қишлоғининг кираверишида, ёмон аҳволда, шунчаки кимнидир кутиб турган ҳолатда топишибди.

Ҳаммамиз жим бўлиб қолдик. Ҳеч ким нима дейишини билмасди. Мен бундай учрашувнинг ортидан бунақанги маҳзун ҳикоя чиқади деб ўйламагандим. Таажжубим ошиб, гангиб қолгандим. Умар амаки бир нима деди, аммо тушуна олмадим. Зеҳним парча-парча бўлиб кетганди. Фақатгина «Йиллар ўтиб

Ойша Истанбулга кўчиб кетибди. Касал экан деб эшитдик», деган гапини эшитдим.

Фақат мен эмас, Салим ҳам тонг қотиб қолди. Кўзларида ёш ўйнардди.

- Яъни биз Эжевитни илк маротаба кўрган ўша жой Эжевит келинни, Ойшани охири марта кўрган жой - йўл иккига айрилиб кетган жойми?

- Тўғри. Худди ўша жой, - деди Умар амаки.

- У ерда ҳали ҳам Ойшани кутяптими? - деб сўрадим.

- Кутяпти. Роппа-роса йигирма тўрт йилдан буён Ойшани ўша чорраҳада кутяпти.

Ўша ку
қишлоқ
миз ич
ларни я

Умар ам
берган
мани сў
нарсаси

- Эжеви

- Кўрмо
болам, -
муҳабба
таётганд
кўзлари

Умар ам
чамни У
чой ичга
Бир неча
тушиб о

- Умар ам

экан деб

иди. Кўзла-

н ўша жой
рган жой -

и.

деб сўра-

лдан буён

Бир айрилиқ,
Бир йўқсиллик,
Бир ўлим.

Ўша кунни қандай ўтказганимни билмайман. Ўша қишлоқда, Умар амакининг уйида гаплашганларимиз ичимда исмини ҳам билмаганим ғалати туйғуларни янгитдан жонлантирди.

Умар амакининг ҳовлисидаги сўрида ўтириб у айтиб берган ҳикояга нима деб жавоб беришни, ундан нимани сўрашни ҳам билмай қолдим. Фақатгина бир нарсга сўрай олдим:

- Эжевитни яна кўра оламанми?

- Кўрмоқчи бўлсангиз, топадиган жойингиз маълум, болам, - деди Умар амаки. Ҳақли эди. Ахир Эжевит муҳаббатини кўп йиллардан бери айни жойда кутаётганди. Ҳозир ҳам кутаётгандир, келмаса ҳам, кўзлари муштокдир.

Умар амакининг уйидан чиқдик, бироқ мен бир парчамни Умар амакининг ҳовлисидаги столда ўтириб чой ичганим финжоннинг ёнида қолдиргандек эдим. Бир неча қадам босган ҳам эдимки, бир нарсга эсимга тушиб орқага қайтдим.

- Умар амаки, - деб чақирдим.

- Лаббай, - деди.

- Сизни сурагга олсам, нима дейсиз?!

Кулди.

- Бизни реклама қилмайсиз-а?!

- Йўқ, амаки! Эсдалик учун олиб қўяман, - дедим.

- Майли, аммо Фотима ҳам бирга тушсин, - деди.

Қандай гўзал жумла! Оддий, бироқ замирида қанчадан қанча маъно, ҳис ва сабоқ бор эди.

- Албатта, - дедим.

Иккалалари сўрида ёнма-ён ўтиришди. Бир-бирларига узоқ ҳам, яқин ҳам эмас эдилар. Ташқи кўринишда шундай эди, аммо ҳақиқий ҳаётда бир-бирига чамбарчас боғланган умр бор эди.

Умар амаки соқолини таради, Фотима хола рўмолини тўғрилади. Мен эски фотоаппаратимни сумкамдан чиқариб, иккалаларини сурагга олдим.

Умар амаки билан қучоқлашиб хайрлашар эканман қулоғимга:

- Расмнинг орқасига исмларимизни ёзинг, хўпми?! - деди. - Умар ва унинг Фотимаси деб ёзинг, - деб қўшиб қўйди.

Айтишга гап топа олмадим. Ҳеч нарса демадим, дея олмадим. Қучоқлашиб хайрлашдим.



Йўл бўйи Салим иккаламиз чурқ этмадик. Тўғриси, Салимнинг бунчалар таъсирланишини кутмаган-

дим.
мени
мадир

Ўша
ганин
бориб
ларим

Бирор
самад
шеки
қарди
олиб
диган
эди.

- Ака
деди

- Туга

- Ним
чиқай

Аслид
бу ҳа
урард
қишн

- Бугу
миз, -

Салим
залаб,

1 По

дим. Балки, мен ўйлаганчалик таъсирланмагандир, мени хафа бўлмасин деб индамай кетаётгандир. Билмадим.

Ўша куннинг қандай ўтганини, қандай оқшом тушганини ҳам англолмадим. Борадиган жойларимизга бориб, суратга оладиган жойларимизни олдик. Ишларимиз тугаганда аллақачон шом тушганди.

Бирор жойга бориб овқат ейишни ҳам кўнглим тусамеди. Салим ҳам индамади. Ҳолатимни тушунди, шекилли, орқа томондаги кичкина газбалонни чиқарди. Музлатгичдан помидор, булғор қалампири олиб менемен¹ қилди. Нон ботириб еб олдик. Тўядиган даражада эмас, қоринни алдайдиган даражада эди.

- Ака, менимча, бу ердаги ишларимиз тугади-а? - деди Салим.

- Тугади, - дедим.

- Нима дейсиз, тонгни кутайликми ёки кечаси йўлга чиқайликми? - деди.

Аслида, менга фарқи йўқ эди. Бирор режам йўқ, бу ҳақида ўйламагандим. Ичимда ғалати ҳис туғён урарди. Баъзида бўлиб туради-ку! Ҳозир йўлга чиқишни умуман истамаётгандим.

- Бугун шу ерда тунайлик, эрта тонгдан йўлга чиқамиз, - дедим.

Салим эътироз билдирмади. Столни ва атрофни тозалаб, орқа томонга бориб ётди. Менинг эса ухлаш

¹ Помидор, булғор қалампири ва тухум солиб қилинадиган енгил овқат.

ниятим йўқ эди. Автоуининг ҳайдовчи ўриндигига ўтириб, ойнасини охиригача очдим. Ташқаридаги тоза ҳавони ичимга тортдим. Кўзларимни юмдим. Миямда кун бўйи эшитган ҳикояларим гужгон урар эди: севганига эриша олмаган, ақлдан озган, аммо шунда ҳам муҳаббатини кутаётган одам. Бошқа томонда эса ўз севган ёри билан деярли бутун умр яшаган, қовушиш нималигини билиб, бахтли ҳаёт кечирган ва муҳаббати билан бирга тушган расмининг орқасида ҳам исмларининг ёнма-ён туришини истаган одам...

Кўнглимда бир ғашлик, хиралик ҳукмрон эди. Ўйламасдан туролмаяпман. Ўзи қачон ўйламадим?! Лекин бу сафар жоним қаттиқ оғрияпти. Ўйламаслик учун нима биландир банд бўлгим келди. Нималигини топа олмаяпман. Бирдан радио эсимга тушди. Тутмасини босдим. Қандай тасодиф ва қандай гўзал қўшиқ!

Нашот Эртош куйлаётганди. Бу устознинг қўшиқларини қаерда эшитсам ҳам танийман. Қўлида сози билан ашулани шундай бошладики, вужудимни батамом ёқиб юборди. Ёнган сари кўзларимдан ёш оқди.

*Боқилмасми кўздан тўкилган ёшга,
Қара, нелар тушди бу ғариб бошга,
Ҳасратда қолдирди дўстга, қардошга
Бир айрилиқ, бир йўқсиллик, бир ўлим.*

Ҳеч бўлмаса бизни сен англа, Нашот ота! У куйлаяпти, мен йиғлаяпман. Аммо бу кўзёшлар ким учун эди? Ўзим учунми? Эжевит учунми? Ким учун? Эжевит ишқини ҳимоя қилиб ақлдан озибди. Хўш,

мен-чи!? М
ўзим учун
чиликни к
аламни кў
Очиқдан-с
бўлганлар
дим, биро
савдоси и
ганлардан

Ҳеч ким
лимдан то
машинада
сайдик, ў
тез ҳайда
сиз ҳодис
Узоқларга
ўзим кут
ўзи кифоз

Аллоҳим,
қадарга а
ган ҳамма
гина ўзим

Эски хот
Кўз ўнгим
нинг бари
шайди.

Тушимда
айни шак
ва мен бо
Фақатгин

мен-чи!? Мен севгилим учун, севгим учун, ақалли ўзим учун нима қилдим? Нима қила олдим?! Қийинчиликни кўриб, соғинч ва ҳасратни кўриб, дард ва аламни кўриб муҳаббатимни тарк этишни танладим. Очикдан-очик қочдим. Қолмоқ - муҳаббатига содиқ бўлганларнинг иши. Мен кетганга қийин деб юрардим, бироқ сиз бир қолгандан сўранг. Мен ушбу ишқ савдоси имтиҳонидан ўтганлардан эмас, ўта олмаганларданман.

Ҳеч ким мени ташлаб кетмаганди. Севгилимни қўлимдан тортиб олган ҳам йўқ эди. Эҳх, ўша кеча ўша машинада бўлмаганимизда эди. Машинада кетмасайдик, ўша йўлга кирмасайдик, машинани бу қадар тез ҳайдамасайдик. Фотиҳамиз бўлган кун ўша бахтсиз ҳодиса юз бермасайди. Кошки, Алиф ўлмасайди. Узоқларга кетса эди, уни бир умр кутсам эди. Битта ўзим кутсайдим. Тирик эканини билсайдим. Шунинг ўзи кифоя эди.

Аллоҳим, мени кечир. Сенга исён қилмаяпман. Мен қадарга аллақачон рози бўлганман. Сен тақдир қилган ҳамма нарсага розиман. Таслимман. Мен фақатгина ўзимга жаҳл қиляпман. Фақат ўзимга.

Эски хотираларни эслаб-эслаб ўзимдан кетибман. Кўз ўнгимда хотиралар, зеҳнимда жумлалар. Буларнинг бари ҳар томондан мени уйқуга тортганга ўхшайди.

Тушимда яна Умар амакини кўрибман. Айни жойда айни шаклда ўтиргандик. Лекин бу гал фақатгина у ва мен бор эдик. Бошқа ҳеч ким йўқ. Гаплашмадик. Фақатгина бир гапни такрорлайверди:

- Сизлар фотиҳаси бу дунёда, тўйи охиратда бўлади-
ган севишганлардансизлар.

Кейин эса яна ўзимни бепоён далада шунчаки тур-
ган ҳолатда топавердим. Ҳеч ким йўқ эди. Тун эди,
лекин атроф қоронғи эмасди.

Битта ўзим у ерда нима қилиб турганимни англама-
дим. Кейин эса бир овоз эшитдим. Оёқ товуши эди.
Орқамдан келган овоз.

Ўтирилганимда икки киши менга қараб келаётганди.
Бу Эжевит эди. Лекин орқасида яна кимдир бор эди.
Алиф, менинг Алифим...

Менга қараб келаётганди. Кўзлари кулаётганди.
Кўзларимнинг ичи ёшга тўлди. Ишона олмадим,
оёқларим титради, баданим музлаб қолди. Эжевит
Алифимни менга олиб келаётганди. Кулаётганди, ке-
лаётганди, билаётганди. Бир гапни эшитдим ва уй-
ғондим:

«Севмоқ кутмоқдир».

Кўзлари
шимдан
зунлик
таъбир
эмас, ҳа
тиёр эди
Ўша бе
нинг Ал
ҳам туш
риш учу
рим ҳам
диғида ў
ҳаққони
қолишин
даги яра
ни тўлди
ҳис қила
Уйғонди
ларимни
кўришни

Эй тонг сабоси, бизнинг элга борсанг,
Нозли ёрга аразимни сўйлама.
Не ҳолларга тушганимни сўраса,
Дардимни ичга ютганимни сўйлама.

Кўзларимни очганимда кун ёришаётганди. Ухла-
шимдан олдин мени қуршаб олган ғамгинлик, маҳ-
зунлик йўқолгандек эди. Ичимда бошқача ҳузур ва
таъбир жоиз бўлса, бир қувонч бор эди. Худди тушда
эмас, ҳақиқий ҳаётда Алиф билан кўришгандек бах-
тиёр эдим. Гўё туш эмас, рост эди, гўзал эди.

Ўша бепоён далада, тун вақти Эжевит ва Алиф, ме-
нинг Алифим худди тирикдек рўпарамда эди. Аввал
ҳам тушимда кўп кўргандим. Ҳатто уни кўпроқ кў-
риш учун уйқудан бош кўтаришни истамаган пайтла-
рим ҳам бўлган. Аммо ҳозир машинанинг олди ўрин-
диғида ўтириб кўрган ушбу тушим ҳаммасидан гўзал,
ҳаққоний эди. Шунинг учун ҳам тушларимнинг тугаб
қолишини истамайман. Баъзида тушингиз ичингиз-
даги ярага малҳам бўлади, камчилик ва бўшлиғингиз-
ни тўлдиради. Уйғонганингизда ўзингизни баҳузур
ҳис қиласиз. Ҳозир ҳам худди шундай ҳолатдаман.

Уйғондим, бироқ кошки тушум давом этсайди... Кўз-
ларимни юмгим келди. Тушимни қолган жойидан
кўришни истадим. Ҳатто мана шу тушда абадий қол-

гим келди. Юзи кулиб турган Алифим билан ушбу тушда абадий қолгим келди.

Бўлмади, бироқ менга мана шу қувонч ҳам етади. Ўлимнинг ишқни тугатишга қодир эмаслигини ўша онда англадим. Севган ёр ўлди деб ишқ асло тугамайди. Бироз вақт ўтгач тушимда эшитган жумлани такрорлайвердим:

«Севмоқ кутмоқдир...»



Салим бирдан елкамни қоққан экан, чўчиб кетдим:

- Ака, яхшимисиз? Ўтирган жойингизда ўзингиздан ўзингиз кулиб ўтирибсиз. Худо ҳаққи, мени кўрқитманг.

- Яхшиман. Ҳаммаси яхши, Салим! Хавотир олма! Ҳатто ҳар доимгидан ҳам яхшироқман.

Ўтирган ўриндиғимда қаддимни ростладим. Бироз ўзимга келгач:

- Қани, кетдик, - дедим.

- Ака, тўхтанг. Энди уйғондик-ку. Бирон нима еб олайлик.

- Кейин. Боришимиз керак бўлган охирги бир жой бор. Ўшани ҳам ҳал қилайлик. Ундан кейин бошқа ишлар, - дедим.

- Ҳа, майли. Сиз нима десангиз шу, - деди Салим.

Ҳамма нарсани тўғрилаб йўлга тушдик. Бу йўл қайтиш йўли эди. Аммо учрашимиз керак бўлган охир-

ги жой В
эди. Уни
ди. Бизн
бери ёри

Бироз ўт
дик. Худ
ган, сал
эди. Қар
у ерда эм
шинани

- Шу ерд
деб маши

Йўл чети
шимда кў
Эжевитн
дим. Бир
нинг усти
ва бошин
кўз тикиб

Тез-тез қа
нийди, де
ҳам. Ёниг
ди, сезмад

Тиззалари
кенг паль
бўлиб кет
ганча худ
муҳаббати
қараб ўти

ги жой ва кўришимиз керак бўлган охирги киши бор эди. Уни қаердан топишни билар эдик. Кутаётганди. Бизни эмас, ёрини кутаётганди. Узоқ йиллардан бери ёрига кўзлари муштоқ эди.

Бироз ўтиб Эжевит билан илк кўришган жойга келдик. Худди мана шу ер эди. Уни илк маротаба кўрган, сал қолса уриб юборай деган жойим мана шу ер эди. Қарши томонда чорраҳа бор эди. Бироқ Эжевит у ерда эмас эди. Атрофни ҳам қарадим. Йўқ эди. Машинани йўл четига тўхтатдим.

- Шу ерда кутиб тур, Салим. Мен ҳозир келаман, – деб машинадан тушдим.

Йўл четидаги бўш, кенг жойга қараб бордим. Тушимда кўрган бепоён дала мана шу ер эди. Кўзларим Эжевитни қидирди. Бироз тўхтадим. Атрофга қарадим. Бироз вақт ўтиб, сал нарироқда, бир тепаликнинг устида иягини қўлларининг орасига, қўллари ва бошини тиззасига қўйиб олиб пастдаги чорраҳага кўз тикиб ўтирган Эжевитни кўрдим.

Тез-тез қадам ташлаб ёнига бордим. Мени кўрса танийди, деб ўйладим. Таниш у ёқда турсин, кўрмади ҳам. Ёнига суқилишимга қарамай, мени ҳис қилмади, сезмади.

Тиззаларига қўлини қўйиб букилиб олган, ўзига анча кенг пальтосининг ичида озгин бадани деярли йўқ бўлиб кетган, бошидаги шапкаси ҳам кўзигача тушганча худди шу тепаликка тикилган қоядек турар ва муҳаббатини ундан олиб кетган чорраҳага шунчаки қараб ўтирар эди.

«Муҳаббатининг келмаслигини биладими, ажабо?» деб ўйладим ўша он. Ёки бир кун келиб қолади, деган илинжда кутяпtimi? Ажабо, «Энди у умуман келмайди», десам ҳам, кутаверармикан?!

Унга янада яқинлашдим. Бошида гапирмай турдим. Унинг бу ҳолини бузгим келмади. Севишганларнинг орасига суқилгандек ҳис қилдим ўзимни. Шунчаки унинг орқасида туриб у қараган томонга қарадим. Иккаламиз ҳам айна жойга қарадик, бироқ ҳис қилган нарсаларимиз бошқа-бошқа эди. Бунга ишончим комил.

Бир муддат жим кутдим. Кейин эса орамизда бир қадам масофа қолди. Мен ҳам у каби ерга тиззам билан ўтирдим. Ўша пайт сўлгин кўзлари билан менга қаради. Қарашидан мени танимаганини, умуман эслолмаганини ҳис қилдим. Унга ўзимни бошидан таништиришга аҳд қилдим.

- Сиз кимсиз? - дедим.

- Эжевит, - деди.

- Бу ерда нима қияпсиз, Эжевит? - дедим.

- Кутяпман, - деди.

- Нимани кутяпсиз? - дедим.

- Уни, - деди.

Сукут сақладим. Кўзларини мендан олди. Менга қарамади. Кўзини бир он бўлса ҳам чорраҳадан узмади. Яна гапирсаммикан ёки йўқми деб иккиландим. Чунки мен сукут сақлаган одамнинг гапирган одам-

дан к
ганди

- Кут

- Ма

ҳам,

- Хў

ним

Бирд

фар

роз

мон

- Айт

- Ни

- Ин

ни а

тини

- Айт

- Айт

- Лек

Ҳеч

дек

- Ой

боши

- Жи

Жим

дан кўпроқ нарса англатишини анча аввал билиб олгандим. Барибир сабрим чидамади.

- Кутяпсиз, тўғри. Аммо келмаса-чи? - дедим.

- Майли. Мен кутаман деб ваъда бердим. Келмаса ҳам, кутаман, - деди.

- Хўш, кимни кутяпсиз? - дедим ҳаддимдан ошганимни билган ҳолда.

Бирдан кўзларини йўлдан узиб, менга қаради. Бу сафар кўзларимнинг ич-ичига қаради. Худди ақли биروز жойига келгандек бўлди. Дардимни билиб, дармон бўлгандек қаради.

- Айтмайман, - деди.

- Нимага? - дедим.

- Инсон ҳамма жойда, ҳар кимга севганининг исмини айтадими ҳеч?! Бегонанинг тилидан ўз муҳаббатининг исмини эшитгиси келадими?

- Айтмайдими? - дедим.

- Айтмас, айтмас, сўйламас, - деди.

- Лекин мен эшитдим, - дедим.

Ҳеч нарса демади, аммо «Нима эшитдингиз?» дегандек юзимга боқди.

- Ойшани... - деганимни биламан, икки қўли билан бошини ушлади, қулоқларини ёпди.

- Жим! Жимм! Бўлди қилинг! Бас! - деди.

Жим бўлдим.

Кейин бирдан ўрнидан турди. Тез-тез юриб кетди. Юриб боряпти-ю, кўзини чорраҳадан узмайди.

- Қаерга кетяпсиз, Эжевит? - дедим.

Жавоб бермади. Янада тезлашиб кетди. Орқасидан бормоқчи эдим, аммо бормадим. Ўша ерда қолдим.

Фақат узоқдан бақирдим. Уни чақирдим. Тўхтамади, қайрилиб қарамади ҳам. Ёки мени умуман эшитмади.

«Сўйлама, сўйлама, айтма...» дея-дея, югургандек кетди. Мен эса турган жойимда қотиб қолдим. У кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб турдим.

Кейин эса ўша эски фотоаппаратимни чиқардим.

Эжевитни суратга ололмадим, лекин у ўтириб қарган жойдан чорраҳанинг расмини олдим. Ўрнимдан турдим. Эжевитга эмас, унинг ишқига алвидолар айтдим.

Машинага келганимда Салим мени кутаётганди. Унга ҳеч нарса демадим. Тўғри автоуйнинг орқа томонига ўтирдим. Салим машинани ҳайдади ва йўлга тушдик.

Йўл давомида бўлиб ўтган воқеаларни, ундаги менга тегишли жойларини, келган Аҳмад билан кетган Аҳмад орасида нималар ўзгарганини сарҳисоб қилдим. Ишқ савдоси ҳақида ўйладим, савдога мубтало бўлиш ҳақида ўйладим, ҳасрат, айрилиқ, ўлим, вафо ҳақида ўйладим.

«Айтма. Айтилмас», деган эди. «Ёрнинг исми айтилмайди, сен ҳам айтма», деган эди. Бошида унча англамагандим. Энди англадим.

Ақлдан озга
ди. Бўлмаса
йўл ақл бил
шуни англа
шилиқ эди.
бўлса ва қол
ша олмаса, «
айтмади ва
Йўл бўйи би

Азоблар қий
Мансур каби
Кезиб юрибм
Девона-дево

Ақлдан озган эди. Ақлини савдосига алмаштирганди. Бўлмаса ушбу айрилиққа асло чидай олмас, бу йўл ақл билан босилмас эди. Ақл бунга ожиз эди. Ва шуни англадимки, кутиш ҳам муҳаббат каби бир кишилик эди. Инсон бир марта ишқ савдосига мубтало бўлса ва қовушса, уни «бахтли» деб аташади. Қовуша олмаса, «жинни» дейишади. Мен англаб етдим. У айтмади ва менга ҳам айтмасликни маслаҳат берди. Йўл бўйи бир ашулани тинглайвердим:

*Азоблар қийнайди, оҳ-у зордаман,
Мансур каби осилганман, дордаман.
Кезиб юрибман-у, билмам қайдаман,
Девона-девона юрганимни ҳам сўйлама, ёрга сўйлама!*

To'liq pdf vip kanalga yuklangan Vip kanalga qoshilish uchun adminkaga yozing

Murojaat uchun: @Adm1nkaxon

